Мустақиллик ҳуқуқ демакдир

ҲУҚУҚ

ЮРИДИК ГАЗЕТА

1998 йил
4 февраль

05 (17)

чоршанба

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Г.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт Академияси фахрий доктори илмий даражаси берилганлиги халқимиз ҳаётида катта воқеа бўлди. Юртбошимизга диплом, шунингдек амалдаги анъаналарга мувофиқ академия мантияси, эсдалик медали ва академиянинг бошқа тимсолларини топшириш маросимида нутқ сўзлаган Россия Иқтисодиёт Академияси Президенти, академик В.Видяпин «Президентингизга халқаро илмий доираларда катта нуфузга эга бўлган Россия иқтисодиёт Академиясининг фахрий доктори деган юксак унвон мамлакатингизда амалга оширилаётган янгиланишлар туфайли берилди», дея таъкидлади. Дарҳақиқат, бу юксак унвон Президентимизнинг бебаҳо меҳнатига ҳамда республикада амалга оширилаётган барча буюк ўзгаришлардаги шахсий иштирокига берилган муносиб баҳодир.

Суратда: Президент Ислом Каримовга академиянинг дипломи топширилаётган пайт.
Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) сурати.

САМИМИЙ МИННАТДОРЧИЛИК

Азиз ватандошларим!

Муҳтарам дўстлар!

Таваллудимнинг 60 йиллиги муносабати билан юксак ҳурмат ва иззат кўрсатиб, узоқ-яқиндан табрик, хат ва мактуб йўллаган давлат раҳбарлари, давлат ва жамоат арбоблари, халқаро ташкилотлар, маҳаллалар ва жамоалар, барча юртдошларим ва ватандошларимга ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдираман.

Шаънимга айтилган эзгу тилакларни, авваламбор, Ўзбекистон халқига ва давлатимизга бўлган эҳтиром, мамлакатимиз истиқболига ишонч деб биламан.

Мени ўстириб вояга етказган, етакчилик масъулиятини ишониб топширган, янгиланаётган ҳаётнинг оғир юкини елкасида кўтариб, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, келажаги буюк давлат қуришдек олижаноб ишга азму қарор қилган меҳнатсевар, бағри кенг, оқибатли халқимизга фарзандлик меҳрини изҳор этаман.

Мактубларда акс этган ҳароратли сатрлар, уйғоқ фикрлар халқимизнинг ўткир заковатидан, қалби нақадар гўзал ва бой эканлигидан далолат. Бундай донишманд халқ ҳар қандай эъзозга, энг ёруғ тақдирга ва иқболга муносибдир.

Азизлар!

Барча-барчангизни бағримга босиб айтадиган ягона тилагим шуки, юртимизни ёмон кўзлардан асрасин, кексаю ёш барча ватандошларимизнинг умрини ва бахтини берсин. Яратганимиз ўз паноҳида сақласин.

Ислом КАРИМОВ

БАХТ ЯРИМТА БЎЛМАЙДИ
«Ватан ичра Ватан» саҳифаси яна Сиз билан
3-б.

ИЖРО ИНТИЗОМИ
Тошкент вилоятида хўжалик суди қарорлари нега суст бажарилмоқда?
5-б.

Мени кечиринг...
Прокурор ҳаётидан воқеи ҳикоя
8-б.

Президентга мактуб

ПАРВОЗ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАНДИ

Шу йил 1 февраль куни Тошкент вақти билан соат 2 дан 30 дақиқа ўтганда «Шаттл-Эндевер» космик кемаси Кановерал бурнидаги (Хюстон) полигонга эсон-омон қўнди.

Карантин тадбирлари амалга оширилганидан кейин куннинг иккинчи ярмида экипажни НАСА раҳбарияти билан таништирув маросими бўлди. Сўнгра уларга қисқа муддат мобайнида яқинлари ва кутиб олувчилар билан учрашишга ижозат берилди. Космонавт Солижон Шариповни отаси, рафиқаси, акаси ҳамда академик Ш. Воҳидов кутиб олишди. Бу учрашувдан сўнг космонавтлар кейинги тиббий назорат ҳамда дам олишга жўнаб кетишди.

Парвоз муваффақиятли якунланганидан сўнг космонавт Солижон Шарипов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига мактуб йўллади.
(ЎзА).

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Мен, Шарипов Солижон, америкалик астронавт касбдошларим билан коинотга «Шаттл-Эндевер» космик кемасида учгандан кейин ерга соғ-саломат қайтиб тушдим.

Мен ва умр йўлдошим ўзбек оиласида Қирғизистоннинг Ўзган шаҳрида туғилиб ўсганмиз. Коинотга учиш тайёргарлигини Россия космонавтлар тайёрлаш марказида ўтдим.

Ўзбекистонда менинг кўпгина муҳтарам устозларим, яқин дўстларим, қариндошларим ва шогирдларим бор.

Ўзбекистонда ташкил этилган халқаро аэрокосмик мактабнинг ўқувчиларига коинот ва авиация соҳасидаги янгиликлардан сабоқ бераяпман, ҳамда имконим борича мактабни видеофильмлар, қўлланмалар, китоблар, плакатлар ва айрим асбоб-ускуналар билан таъминлашда ёрдам кўрсатмоқдаман. Бу ишда менга устоз ва касбдошларим " космонавтлар В. Жонибеков, Г. Стрекалов, Т. Мусабоев, Ю. Маленченко сидқидилдан ёрдам бермоқда.

Ўзбек олимлари ва мутахассисларининг коинот ва авиация соҳаларидаги ютуқлари ва салоҳиятидан хабардорман. Улар билан тез-тез учрашиш, илмий мунозаралар, дўстона мулоқотлар ўтказиш имконияти борлигидан ниҳоятда хурсандман ва ватандошларимнинг бой тажрибаларидан кундалик ҳаётимда фойдаланаман.

Мен мустақил Ўзбекистонимизнинг космонавтика ва авиация соҳаларида ҳам жаҳонда ўзининг муносиб ўрнини эгаллашини ҳамда шуҳратига-шуҳрат қўшилишини жуда истайман.

Бу мақсад йўлида Ўзбекистон фазогирлари билан ўзимнинг билимим ва бор тажрибамни баҳам кўришга доим тайёрман.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Сизга Ўзбекистонни янада гуллаб-яшнатиш ва ривожлантириш йўлида амалга ошираётган хайрли ишларингизда куч-қувват, мустаҳкам соғлик, муваффақият тилайман. Барча ишларингизда доимо омад сизга ёр бўлсин

Эҳтиром билан,
Солижон ШАРИПОВ,
космонавт.

Хюстон, АҚШ.

ТАЪСИСЧИЛАР:

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси «Қонун ҳимоясида» журнали

Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари

БОШ МУҲАРРИР:

Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Асрор АҲМАДЖОНОВ
Дилшод ИСЛОМОВ
(масъул котиб)
Эркин ЙЎЛДОШЕВ
Мэлс НАИМОВ
Орипжон ХОЛМАТОВ
Лола ШОМУРОТОВА
Бахтиёр НАЗАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)

Газета андозаси «Ҳуқуқ» газетаси компьютер марказида тайёрланди.

Таҳририятга келган қўлёзмалар муаллифга қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин. Газетадан кўчириб босилганда «Ҳуқуқ»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 66 - уй.

Телефонлар:
13-363-88, 13-382-34, 77-69-64.

Газета Тошкент вилоят матбуот бошқармаси томонидан №767 рақам билан рўйхатга олинган.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: *Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси - 41.*

Нусхаси 19085
Буюртма Г- 01034
Қоғоз бичими - А-3.
Баҳоси сотувда эркин нархда.

Ушбу сонга **О.БЕГАЛИЕВ** навбатчилик қилди.

Мусаҳҳиҳ: **М.ДУСИЯРОВА.**

1 2 3 4 5 6 7

Учрашув

ТОЛАРИҚДА НИМА ГАП?

Яқинда Миробод туманидаги Толариқ маҳалласида прокуратура ходимларининг маҳалла аҳли билан учрашуви бўлиб ўтди. Тадбирда иштирок этган Тошкент шаҳар прокуратурасининг жиноят ишларини тергов қилиш бўлими прокурори Ҳусан Аҳмедов ва Миробод туман прокурори муовини Баҳриддин Турсунов маҳалла аҳлини қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Прокуратурадан нажот истаб мурожаат қилаётган фуқароларнинг кўпчилиги кўп қаватли уйларда иситиш тизимининг яхши ишламаслиги, маҳаллага қарашли ЖЭКларнинг беэътиборлиги туфайли неча йиллардан бери уйлар таъмирланмаганлиги, мабодо қор-ёмғир ёғиб қолса, уй ичида ёмғирпўш тутиб ўтиришдан бошқа иложи қолмаганлигини айтиб, ўзларини қийнаётган муаммоларни ўртага ташлашди. Бундан ташқари, улар меҳнат биржасининг фаолиятидан ҳам норози эканлигини билдиришди. Учрашув давомида прокуратура ходимлари фуқароларни янги чиққан қонунлар, фармонлар мазмуни билан таништирдилар. Асосий мақсади халқ дардини билиш, халқни қийнаётган муаммоларни ҳал қилишга ёрдам бериш бўлган прокуратура ходимлари толариқликларнинг ҳам дардларини эшитиб, тегишли тадбирлар белгиланди.

Мехри БОЛЛИЕВА.

▲ Пойтахтимизни ободонлаштириш борасида олиб бораётган ишларимизнинг маҳсули сифатида қад ростлаган *Intercontinental* меҳмонхонаси шаҳримизнинг ҳуснига янада ҳусн қўшди.

БИР ЖИНОЯТ БЎЛГАН МАҲАЛЛА

А.Икромов туманидаги «Янгиобод» маҳалласи пойтахтимиздаги энг намунали маҳаллалардан ҳисобланади. Бу ерда 742 хонадон аҳли бир оила фарзандларидек тинч-тотув яшамоқдалар. Ўтган йили ушбу маҳаллада бор-йўғи битта жиноят содир этилган.

Яқинда маҳалладошлар туман ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарлари билан учрашиш мақсадида маҳаллақўм биносига тўпландилар. Юзма-юз мулоқотда сўз олган Тошкент шаҳар прокурори ўринбосари М.Мирсолиҳов маҳалла аҳлига пойтахт прокуратурасида қилинаётган ишлар ҳақида қисқача гапириб берди.

- Мамлакатимиз мустақилликнинг еттинчи йилига одимлаб бораяпти. Юртимизда катта ишлар қилинмоқда.Бу муваффақиятларнинг туб негизи Ватанимиздаги тинчлик ва осойишталик билан боғлиқ , - деди М. Мирсолиҳов. - Шундай экан, юртимизда осойишталикнинг сақланишида ҳар бир фуқаро ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши керак. Биз маҳалла катта куч эканини яхши биламиз ва сиз оқсоқолларнинг ёрдамларингизга таянамиз. Бир фарзандга етти маҳалла ота-она, деган мақол бекорга пайдо бўлмаган. Бунинг тагида чуқур маъно бор. Қайси маҳалла ўзаро ахил бўлса, ўша ерда жиноятчилик бўлмайди. Биз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ходимлари Сизлар билан ҳамкорликда иш олиб боришдан манфаатдормиз.

Юзма-юз мулоқотда маҳалла аҳли ўзларини қизиқтирган кўплаб ҳуқуқий мавзулардаги саволларига жавоб олдилар. Энг асосийси, маҳалла аҳли туманда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг амалга ошираётган ишлари билан яқиндан танишди. Улар билан келгусида қилиниши зарур бўлган ишларни режалаштириб олишди.

Ҳуқуқий мавзулардаги бундай учрашувларни ташкил қилишда маҳаллақўм раиси, таниқли халқ артисти Толиб Каримов билан туман прокурори Мирзо Ҳамдамов доим бош-қош бўлишмоқда.Биз учрашув сўнгида «Янгиобод» маҳалла оқсоқолларининг учрашув ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

- Жалолиддин Қосимов, маҳаллақўм аъзоси:

- Юртбошимиз телевизордаги чиқишларида ҳуқуқий маданият ҳақида кўп гапиради. Бунда чуқур маъно бор. Ўз ҳақ-ҳуқуқини билмаган инсоннинг кўр кишидан фарқи йўқ. Мана, бугунги юзма-юз учрашувда кўп нарсаларни билиб олдик. Ҳуқуқий маданият ҳақида газеталарда ҳам ёзишади. Аммо, юзма-юз мулоқотларга нима етсин. Яна бир нарсани алоҳида айтиб ўтишни истардим. Биз, маҳалла аҳли участка инспекторларининг ишидан жуда мамнунмиз. Айниқса, милиция катта лейтенанти Қўшман Абраев маҳалламизнинг осойишталигини сақлашда бор кучини ва тажрибасини сарф қилмоқда.

Анвар Хожихонов:

- Қаердаки, ҳуқуқий маданият бўлса, ўша ерда жиноят бўлмайди. Ўз ҳуқуқини билган одам жиноят кўчасига кирмайди. Айрим ёшларнинг билиб-билмай қилаётган қора ишларининг сабаби улар жазонинг муқаррарлигини ҳис қилмаганида, деб ўйлайман. Бугунги юзма-юз учрашув айниқса, ёшларимиз учун катта мактаб бўлади, албатта. Ана шундай жонли учрашувлар тез-тез ўтказиб турилса, айни муддао бўларди. Биз туман ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарларидан мамнунмиз. Улар тез-тез маҳалламизга келиб, одамларнинг ҳол-аҳволидан хабар олиб туради. Ҳозирги замонда инсон учун эътибордан қимматли нарса борми?

«Янгиобод» маҳалласидаги юзма-юз учрашув тугади. Аммо, кўпчилик тарқалишга шошилмади. Йиғилганлар учрашувдан сўнг, мулоқот мавзуси ҳақида баҳслашишарди. Энг асосийси, маҳалла аҳли ўзини кўпдан буён қизиқтириб келаётган муаммолар ҳақида очиқ-ойдин гаплашиб олди.

З. МАМАДАЛИЕВ.

▲ Учрашувдан лавҳалар.

Муштарийдан хат келди

УМИДИМИЗ КАТТА

Ҳурматли таҳририят!

«Ҳуқуқ» газетасининг ҳар бир сонини оиламиз билан ўқиб борамиз. Айрим мақолаларни ўзаро муҳокама қиламиз. Айниқса, «Ватан ичра ватан» саҳифасида берилган мақолалар инсонни ўйлашга, мушоҳада қилишга ундайди. «Бахтини йўқотган қовунчи», «Дока рўмолнинг қуриши», «Қоп кўтарган аёллар», «Оилани ким бошқаради?» каби мақолаларда кўтарилган муаммолар кимни ўйлантирмайди, дейсиз.

Кўпгина эркаклар оиламни яхши едириб-кийинтираман деб, билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолмоқда. Бунга баъзан, уларнинг аёллари ҳам сабабчи бўлишмоқда.

Кейинги пайтларда ўзбек аёлларининг хорижга тижорат учун бораётгани ҳақида кўпгина газеталар ёзмоқда. Хўш, тижоратчи аёллар нима учун хорижга бораётирлар?«Ҳуқуқ» газетасида чоп этилган «Қоп кўтарган аёллар» мақоласида уларнинг фикр-мулоҳазалари очиқ-ойдин ёзилган. Бу муаммога тўғри ёндошиш, деб ўйлайман. Айниқса, оила ҳақидаги «Оқибат - оила таянчи», «Кечиккан тарбия», «Рашк» каби мақолалардаги муаммолар ҳам қалбларни ларзага солади. Газетанинг кейинги сонларида «Ғиғирликдан қутилликка», «Ниқобли «меҳмон», «Муттаҳамнинг парвози ва инқирози», каби мақолаларда жиноятчилик кўчасига кирган инсонларнинг аянчли қисмати акс этган. Бундай мақолаларнинг халқ орасида тарбиявий аҳамияти беқиёс. Имконият бўлса, ёшлар таълим олаётган ва ишлаётган даргоҳларда бундай мақолаларнинг муҳокамалари уюштирилса, айни муддао бўларди. Бу масалада олий ўқув юртларининг раҳбарлари ташаббускорлик кўрсатсалар, савоб ишга қўл урган бўлардилар.

Ўйлаймизки, таҳририят бундан кейин ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоларнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш борасидаги ишлари билан бир қаторда, ҳаётимиздаги долзарб муаммоларни дадиллик билан ёритади.

М. НИЁЗОВА,
Тошкент кооператив тижорат коллежи талабаси.

Прокурор бонг уради

ҲИСОБИДАН АДАШГАНЛАР

Туман ҳудудидаги шахсий томорқа ер майдонларини ҳисобга олиш ва улардан солиқ ундириш бўйича мутахассисларни жалб этган ҳолда текшириш ўтказдик. Афсуски, аҳвол мутлақо қониқарсиз эканлиги маълум бўлди.

Теппакчинор фуқаролар йиғини раиси А.Муродовнинг ҳисоботига кўра, ҳудудда 6376 та оила мавжуд. Уларга томорқа сифатида 585 гектар ер ажратиб берилган. Туман Давлат солиқ инспекцияси маълумотларига қараганда эса 552,6 гектар шахсий томорқа солиққа тортилган.

Қайта ўтчоб даврида юқорида кўрсатилган ҳудудда 6537 оила бўлиб, улар 760 гектар томорқага эга эканлиги аниқланди. Кўриниб турибдики, фуқаролар йиғинида ҳисобга олинган томорқа майдони билан ҳақиқатда фойдаланилаётган ер ўртасида ниҳоятда катта фарқ бор. 208 гектар майдон солиққа тортилмаган.

Файзова фуқаролар йиғини раиси Ш.Маматов, Оқостона фуқаролар йиғини раиси С.Юсуповлар ҳам ана шундай ҳисобини йўқотганлардан. Бу жаноблар ҳам беш-ўн гектар эмас, юзлаб гектарга «янглишган»лар. Боботоғ ва Ҳонжизза фуқаролар йиғини ҳам ана шундай нуқсонлардан холи эмас. Хуллас, туман бўйича жами 622 гектар томорқа солиққа тортилмай келинаётган экан. Мутасадди раҳбарларнинг бу қадар масъулиятсизлиги кишини ажаблантиради.

Текшириш якуни тўғрисида мазкур фуқаролар йиғинлари раисларига йўл қўйилган қонунбузарликларни бартараф этиш юзасидан амрнома берилди. Масаланинг долзарблигини инобатга олиб, зарур чора-тадбирлар кўриш ва тегишли мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш учун туман ҳокимига тақдимнома йўлладик.

Фуқаролар йиғинлари раислари шахсий томорқалар ҳисоботини қайта ўпчоб натижаларига мослаштириш, туман давлат солиқ инспекцияси эса ҳисобга олинмаган шахсий томорқалардан ҳам солиқ ундириш чораларини кўришаётир.

Эшбой АЪЗАМОВ,
Узун туман прокурори.

Фикрлар чорраҳасида

БАХТ ЯРИМТА БЎЛМАЙДИ

Йиллар ўтаверади, тузумлар ўзгараверади. Аммо, ҳамма даврда ҳам йигитлар ва қизлар қалбидаги бир-бирига бўлган севги-муҳаббат эса боқийлигича қоларади. Мақсад эса жуфт бўлиб яшаш. Оила қуриш, фарзандларни вояга етказиш. Инсоннинг ёруғ оламдаги яшашининг ҳам, орзу-ўйларининг мантиғи ҳам ана шу оилада.«Оила мўъжазгина бир жамиятчадир, бутун инсоният жамиятининг дахлсизлиги ҳам унинг жипслигига боғлиқ», деган эди донишмандларимиздан бири.

Бунда чуқур маъно бор. Минг афсуслар бўлсинки, ҳозирги даврда оилаларнинг ажралиши оддий ҳолатга айланиб қолмоқда. Нима учун? Кечагина «мен сизсиз яшай олмайман», - деб севган ёрига нозик туйғуларини изҳор қилган қиз бугун суд залида ўз турмуш ўртоғининг устидан минг хил мағзава ағдаради. Осмондаги ойни олиб беришга ваъда берган йигитчи? Не сабабдан у ҳам қилдан қийиқ ахтаради. Айтаверсак гап кўп.

... Дилором билан Анвар ўзларини дунёдаги энг бахтли инсонлардан деб ҳисоблашарди. Аслида ҳам шундай эди. Олийгоҳда бирга ўқишди. Институтни битиришдиган йили тўйлари бўлди. Икки қуда ҳам ўзларига тўқ, камчилиги йўқ оилалардан эди. Ҳамма уларга ҳавас қиларди. Ҳатто, Анварнинг онаси болаларимга кўз тегмасин, деб кўчага чиқишса, келинкуёвнинг кийимларига кўзмунчоқлар қадаб қўярди.

Анвар банкга ишга кирди. Дилором ҳам. Орадан бир йил ўтиб келин декрет таътилига чиқиб, уйда ўтириб қолди. Кўп ўтмай оилада биринчи фарзанд -- Маҳзуна туғилди. Ишга шўнғиб кетган Анвар ишга эрта кетиб, кеч келарди. Хизмат юзасидан икки марта хорижда ҳам бўлиб келди.

Дилорнинг опаси Раъно бир куни синглисиникига меҳмонга келди-ю, бу ахил оилага кўз тегди. Раъно кўчада Анварни бир қиз билан кўриб қолибди. Уни оқизмайтомизмай синглисига айтиб берди. Анвар эса ўша қиз ҳамкасби эканини қанча тушунтирмасин, барибир Дилором унга ишонмади.

Оиладаги биринчи жанжалга шу воқеа сабабчи бўлди. Кейин майда-чуйда гаплар қўшилди. Икки қуда ҳам ёшларни муросага келтириш ўрнига «ҳа, сенми?» га тушиб кетишди. Охири иш судга ажралиш тўғрисида ариза бериш билан тугади.

... Икки севишган қалб ажрашди. Ўртада икки ёшли Маҳзуна тирик етим бўлиб қолди.

Суд залидан никоҳи бекор бўлаётган оилаларнинг бу кўйга тушишини сўрасангиз, минг хил сабабларни рўкач қилишади. Гўёки ажралишдан бошқа йўл йўқдай. Энг ачинарлиси, бундай ҳоллар камайиш ўрнига аксинча, ортмоқда.

Мутахассисларнинг бу саволга жавоблари бордир. Бунга оддий фуқаролар нима деркан?

Рустамбек БЎРОНОВ, нафақахўр:

- Бизнинг халқимизда эр-хотин ажралиши азалдан қораланиб келинган. Фақат оилада фарзанд дунёга келмаса, икки томон розилиги билан ажралган. Ана шунда ҳам уй эрига қолган. Аёл қиймкечагини ва ўзига тегишли молмулкини олиб кетган.

Ҳозирги айрим ёшлар ажралишдан олдин уй-жойга даъво қилиб, судга мурожаат қилишади. Оилаларнинг бузилишига сабаб кўпгина ёшлар ҳаётга енгил-елпи қарайдилар. Оиланинг муқаддас эканлигини қалбдан ҳис қилишмайди. Ҳаётдаги озгина қийинчиликларга ҳам дош беришмайди. Ҳаёт бир донишманд айтгандай, эҳтимолки, ҳеч қачон сидирғасига қувончдан иборат бўлмайди. Оилада шоду хуррамлик, ғаму андуҳ ҳам, ташвишу бахтсизлик ҳам бўлиши мумкин. Инсон унга доим тайёр туриши шарт. Эркак киши биринчи навбатда оиласини моддий жиҳатдан таъминлаш ҳақида қайғуриши, хотинини, болаларини муҳтож қилиб қўймаслиги лозим.

Ризолат АСАДХЎЖАЕВА, уй бекаси:

- Менинг назаримда оилаларнинг бузилишига 70 йиллик тоталитар тузумнинг сиёсати ҳам айбдор, деб ўйлайман. Эр-хотин тенг ҳуқуқли, деб ҳамласи чалкаштириб юборилди. Аёл ўз қадрини билиши керак. Бизнинг шарқда азалдан аёллар болалар тарбияси билан шуғулланган. Ҳозирги пайтда баъзи ёш оилалар соф муҳаббатга эмас, мол-дунё-ю, бойликлар асосига қуриляпти. Қуда томонларнинг лавозими, ҳовлижойи, қўша-қўша енгил машиналари ойдон сўраб-суриштирилади. Гўё буларсиз оила қуриб бўлмайдигандек. Бойликка учиб қурилган оиланингпойдевори эса омонатдир.

Азиза ҚУРБОНОВА, ўқитувчи:

-- Шаҳарда айрим ёш оилалар ғарбча ҳаётга ўрганишмоқда. Бир ёки икки фаразндли бўлишгач, «озод қуш» бўлиб яшагиси келиб қоляпти. Бизнинг «дом»имизда ўндан ортиқ аёллар шундай яшайди. Ҳатто, «болаларим тирик етим» деб, давлатдан нафақа ҳам ундиришади.

Энг ачинарлиси, бундай «озод» «қуш»лар кўпаймоқда. Биз оилага бундай қарашлардан воз кечишимиз керак.

Озодбек АХМЕДЖОНОВ,ишчи:

- Оилам билан ажрашганимга икки йил бўлди. Ўзим заводда оддий ишчиман. Хотиним унимиз кам, бунимиз кам, деб асабимни бузаверди. Пулни қаердан оламан, - дедим бир куни жаҳлим чиқиб. Тўғриси, тижорат қилиш қўлимдан келмайди. Бошим қотиб қолди. Охир айтдим. Қаноат қилиб яшасанг, рўзғор қиламиз. Йўқ десанг, ўзинг биласан, дедим. Лаш-лушни йиғиштириб, онасиникига кетди. Сўнг ажралиш тўғрисида судга ариза берди. Ўғлим Раҳимжонга алимент тўлаяпман. Рўзғорнинг бор-йўғига чидаб, қаноат қилиб яшашни истамаган аёлнинг оёғига бош уришим керакми?

Ҳаёт мураккаб. Унинг тўсиқлари, муаммолари сероб. Унга ҳар куни дуч келинади. Уни бартараф этган инсонларгина бахтли яшайди.

Бугунги тезкор даврда яшашнинг ўзи қуралдир. Ҳаётдаги қийинчиликларни енгиш учун оилада эр-хотин қўш ҳўкиз бўлиб, рўзғорнинг «омоч»ини тортиши керак. Саодат манзилига эр-хотин бир-биридан айрича етиб боролмайди. Зеро, бахт ҳеч қачон яримта бўлмайди.

Америкалик ёзувчи Теодор Драйзер «Оилавий ҳаётда рўй бериб турадиган майда-чуйда кемтикларни фақат кучли муҳаббатгина текислаб кетиши мумкин», - деган эди. Ҳар бир оилада муҳаббат чироғи порлаб туришини истаймиз.

Суҳбат

Никоҳ уйи. Бу сўзларни эшитганимизда кўз олдимизга турнақатор машиналар билан келаётган «гулдан-да, гўзал, ойдан-да гўзал» келин-куёвлар келади. Келин-куёвлар никоҳ уйларида қонуний рўйхатдан ўтганларидан сўнг, эр-хотин деб аталади. Никоҳдан ўтган барча келин-куёвлар бахтли турмуш қуриб кетаяптими? Уларни ҳаётнинг қандай муаммолари қийнаяпти? Муҳбиримиз яқинда пойтахтнинг Мирзо Улуғбек тумани ФҲДЁ бўлими бошлиғи Дилором ЮСУПОВА билан ана шу муаммолар хусусида суҳбатлашди.

-- Дилором Шоакбаровна, нима сабабдан кейинги йилларда ёш оилалар ўртасида ажралиш ҳоллари учраб турибди? Шу ҳақда мутахассис сифатида ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдирсангиз?

-- Бизнинг никоҳни қайд қилиш бўлимимиздан ўтган йили 1157 та келин-куёв рўйхатдан ўтди. Тўғриси, ҳар бир келин-куёвни кўрганингизда қояжондан юрагингиз ҳапқириб кетади. Биз ҳам уларни кўриб ҳавас қиламиз. Уларга бахт тилаймиз. Аммо, ҳаёт ҳамиша ҳам биз ўйлагандек бўлавермас экан. Айрим ёш келин-куёвлар кўп ўтмай судга «бизни ажратиб қўйинг, характеримиз тўғри келмай қолди», қабилидаги ариза билан мурожаат қилишади. Ажралиш сабабларини судлар билан ҳамкорликда ўрганиб чиқамиз. Менинг назаримда ёш оилаларнинг ажралишининг биринчи туб сабаби уларнинг эр-хотин бўлиб яшашга тайёр эмаслигида. Донишмандлардан бири «Уйланиш ўз ҳуқуқингни икки баравар камайтириб, зиммангга тушадиган мажбуриятни эса икки ҳисса оширишинг демакдир», деган экан.

Ҳозир тўғриси, бозор иқтисодиёти таъсир қилмаган оила бўлмаса керак. Ота-онасининг бағрида эрка ўсган йигит-қизлар оила «аравасі»ни тортолмай қоляпти.

Туманимизда 350 мингдан ортиқ аҳоли, юзга яқин миллат вакиллари яшайди. Рус, татар, яҳудий ва бошқа миллат вакиллари орасида ажралиш нисбатан кўпроқ. Бунинг сабаби - эр ёки хотиннинг ўз юртига кетиши туфайли, уларнинг ўртасидаги никоҳлари ҳам бекор қилинмоқда. Ўтган йили туман судининг қарорлари билан ана шундай 536 та оиланинг никоҳлари бекор қилинди.

- Фарзанд - оилани ушлаб турадиган асосий таянч десак, хато қилмаймиз. Айниқса, ўзбек халқи болапарвар...

- Гапингиз тўғри. Муқаддас китобларда ҳам фарзанд инсонга Аллоҳнинг берган буюк неъмати, дейилган. Халқимиз бекорга «болали уй бозор, боласиз уй мозор» дейишмаган. Фарзандларимиз ҳаётимизнинг давомчисидир. Ўтган йили бизга 220 нафар оила фарзандлари йўқлиги туфайли никоҳни бекор қилишни сўраб, ариза билан мурожаат қилган. Икки томоннинг розилиги билан уларнинг илтимослари қондирилган. Бизгача уларнинг муаммолари билан маҳалла қўмиталари, хотин-қизлар кенгашлари бевосита шуғулланиб, ўрганиб чиқишган.

- Ёш оилаларнинг турмуш муаммоларини енгиб ўтишида қўни-қўшни ва маҳалла қўмиталарининг ўрни беқиёс. Бу борада тумандаги ишлардан кўнглингиз тўлаяптими?

- Оила ҳақида ўйлаганимда О.Бальзакнинг «Муҳаббат оилавий машмашаларни шу қадар ёқтирмайдики, чинакамига бахт -саодатли бўлмоқ учун бир-бировингдан энг олижаноб фазилатларни топа билмоғинг керак», деган сўзлари ёдимга келаверади. Агар икки ёш бир-бирини севса, ҳаётдаги муаммоларни енгиб ўтиши мумкин. Аммо, ёш оилалар ҳаётнинг катта йўлига тушиб олиши учун қайнота-қайноналарнинг, ахли жамоатнинг ёрдами самарали бўлиши керак.

Биз туман ҳокимининг ўринбосари Саида Содиқова билан маҳаллаларга чиқиб, ёш келин-куёвлар билан суҳбатлар уюштириб турибмиз. Яқинда туманимизда «Энг ибратли оила» танловини ўтказдик. Унга туманимиздаги ёш оилаларни таклиф қилдик. Келажакда бундай тадбирларни кўплаб ўтказишни режалаштирганмиз.

Бизнинг никоҳ уйимизга умид билан келган барча келин-куёвларга ҳамма ҳавас қиладиган оила бўлиб қолишини тилаб қоламиз.

Суҳбатдош: М.ЗАЙНИДДИНОВ.

Акс садо

СИЗГА НИМА БЎЛДИ, ЭРКАКЛАР?

Газетанинг ўтган сонларидан бирида эълон қилинган «Қоп кўтарган аёллар» мақоласини ўқиб, ўзимни ташвишлантираётган ўйлар ҳақида ёзишга журъат этаяпман.

Назаримда тижоратчи аёллар ҳақида газета журналистлари бир ёқлама фикр юритаётгандек туюлади менга. Муаллифлар аёлни тижорат билан шуғулланишига нима мажбур этади, деган саволга жавоб топишга ҳаракат қилганлар.

Аёл - аввало, она. У биринчи навбатда фарзандлар тарбияси билан шуғулланиши керак, деган фикрга қўшиламан. Аммо бозор иқтисодиёти шароитида оиланинг моддий таъминоти билан боғлиқ баъзи муаммолар ҳам юзага келаяпти. Агар аёл рўзғор юмушлари билан ўралашиб қолса, моддий қийинчиликларни енгишда эрига елкадош бўлмаса, оила фаровон турмуш кечира оладими? Йўқ, албатта.

Аёл ўзини тижоратга урган экан, бунинг ўзига хос сабаблари бўлади. Мен ўзим ҳам икки йилдирки тижорат ишлари билан шуғулланиб келаман. Очиғи, шундай қилишга мажбур бўлдим.

Турмуш ўртоғим қўли гул уста эди. Топгани рўзғорга етиб ортарди. Кейинги йилларда ичкиликка берилиб, рўзғордан барака кетди. Ҳар қанча уринмай, мен эримни бу йўлдан қайтара олмадим.Дўстлари дастлабки пайтда уни тергаб, танбеҳ бериб туришди. Аммо унга ҳеч қандай насиҳат кор қилмай қўйди. Яқин оға-инилари ҳам ундан юз ўгиришди. Боз устига турмуш ўртоғим айрим одамлардан қарз олиб, ичадиган одат чиқарди. Қарз сўраб келувчилар олдида мулзам бўлавериб, маҳаллада бош кўтариб юролмайдиган бўлиб қолдим. Оиламизда моддий қийинчиликлар келиб чиққанидан сўнг қарз-ҳавола қилиб, тижорат билан шуғулланишдан ўзга иложим қолмади. Тижорат туфайли қарзларимиздан қутулдим, оиламнинг моддий таъминоти яхшиланяпти.

Лекин мени бошқа нарса ташвишлантиради. Сурункали ичкиликка берилган турмуш ўртоғимни шу аҳволда ташлаб қўйишга виждоним йўл қўймайди. Ахир, 6 нафар фарзандимни тирик етим қилиш катта гуноҳ эмасми? Жамиятда энг хавфли иллат бўлган ичкиликбозликка қарши кураш негадир кейинги пайтда сусайгандек туюлади менга. Бундай иллат биргина мени эмас, бошқа оналарни ҳам ташвишга қўймоқда. Ичкиликбозлик кўз ўнгимизда содир бўлаётганини кўра била туриб, бунга қўникиб бораётганимиз ёмон. Умуман «шайтон сувия»га ўрганиб қолган эркакларни бу йўлдан қайтара оладиган қадир куч борми ўзи? Газета ўз саҳифаларида шу саволларга жавоб берилган мақолалар уюштирса, қанийди!

Савринисо Ж.
Сирғали тумани,
Қўйлиқ-5 мавзеси.

Ҳикоят

ТАННОЗ ХОТИННИНГ ТУЗАЛИШИ

Бир одам, жуда нозли қизга тоғиб бўлди. Анча наз-истиғнолардан сўнг турмуш қурдилар. Ул аёлда ислом тарбияси жуда оз эди. Шунинг учун эрининг қадрига яхши етмас эди. Иши фақат нозланиш эди холос. Турмуш қурганларига бир неча кун ўтганда наз билан:

- Вақт ўтиб сатанглигим тутади. Ул вақтда менга ҳеч нарса демагин. Иш қилмайман, заҳмат чекмайман. Агар осмон бошимга узилиб тушса ҳам у кунда бирор иш қилмайман, - деди

Эри ақлли одам эди. Бироз сукут сақлаб хотинининг гапига тушунгандай бўлиб:

- Дуруст, сатанглигинам, мени ҳам вақт ўтиб эшаклигим тутиб кетади. Ул вақтда сен менинг ғазабимга дучор бўлма, - деб жавоб берди.

Орадан ойлар ўтди, аёлнинг сатанглиги орта борди. Ул одам қанча юмшоқ бўлса, хотинининг нози шунча кучая борди. Секин-секин ишлари эр жонига тега борди.

Бир кун уйга келиб:

- Хоним, шу-шу нарсаларни ҳозирла, дўконга олиб кетаман, - деди.

Хоним ҳар вақтдагидек жойидан қимирламади. Ул одам гапини такрорлади. Яна ҳеч сас йўқ. Ул одам қайтарди. Хотин: Дангасалигим тутиб турибди, ҳеч иш қилмайман, - деди.

Ул одам белидан каморини ечиб, хотинини, «мана сенга, мана сенга дангасалик», деб савалади. Хотин бақирди:

- Вой дод! Вой белим, вой қўлларим! Вой ўламан!

- Жаҳлим чиқди хоним, чида, эшаклигим тутиб кетди, - деб яна камар билан савалай бошлади. Шундан кейин хотинининг ақли кириб:

- Бўлди офандим, менинг дангасалигим кетиб қолди, - деди. Шундай қилиб, на эрда эшаклик қолибди, на хотинида дангасалик, таннозлик қолибди. Хасталикдан халос бўлибдилар.

(Юсуф ТОВАСЛИЙнинг «Ҳикматлар хазинаси» китобидан).

Саҳифани З.МАМАДАЛИЕВ тайёрлади.

Назоратда - болалар саломатлиги

Мустақил давлатимизнинг одолатли қонунлари ичида фуқаро ҳуқуқлари ва манфаатларини кўзловчи яна бир муҳим инсонпарвар қонун борки, усиз Ватанимизнинг келажагини тасаввур этиб бўлмайди. Бу «Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида»ги қонундир. Шаҳар прокуратурасининг вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар устидан назорат бўлими болалар мурувват уйлари, интернатларда мазкур қонун қандай бажарилаётганини мунтазам назорат остига олган.

Тошкент шаҳар ҳудудида жойлашган 1,2, 21, 23, 30 - болалар мурувват уйларида, 100- махсус мактаб -интернатда, Й.Охунбобоев номли кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернатида мутахассисларни жалб этган ҳолда ўтказган текширишларимиз, бу жойларда хайрли ишлар билан бир қаторда камчилик ва нуқсонлар, қонун бузилиши ҳолатлари мавжудлигини кўрсатди.

Мамлакатимизда ногирон болаларнинг соғлигини тиклаш, уларга таълим-тарбия бериш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Болалар мурувват уйлари ва интернатлар фаолиятини яхшилаш учун давлат томонидан зарур маблағлар ажратилмоқда. Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, шаҳримиздаги кўплаб саховатпеша инсонлар, тадбиркор ва ишбилармонлар, корхона ва ташкилотлар ҳам уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётганликларининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Хайрли ишларимиз қанча кўп бўлса шунча яхши. Аммо баъзи

ҚОНУНБУЗАРЛИКНИНГ КАТТА-КИЧИГИ БЎЛМАЙДИ

болалар уйларида уларга тиббий ёрдам кўрсатиш, саломатлигини муҳофаза қилиш давр талаби даражасида эмаслигини айтмай иложимиз йўқ.

1-болалар мурувват уйидаги шарт-шароит, очиғини айтганда, ҳавас қиларли даражада эмас. Бино хоналари аллақачон таъмирланишга муҳтож. Бу ерда болаларнинг ювинишлари учун шарт-шароит етарли эмас.

Болалар ошхонаси кўздан кечирилганда санитария талаблари бузилаётганлиги маълум бўлди. Кўл ювиш анжомлари, идиш-товоқлар яроқсиз ҳолга келиб қолган. Кундалик тайёрланаётган овқатлар таркиби лаборатория таҳлилидан ўтказилганда қуввати камлиги аниқланди. Мурувват уйида тиббий хизмат кўрсатаётган шифокорларнинг фаолиятида ҳам камчиликлар йўқ эмас. Чунончи, улар томонидан тиббиёт журналлари тўлиқ юритилмаган, болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат бирорта дафтарда қайд этилмаган. Болалар соғлигини назорат қилиш талаб даражасида йўлга қўйилмаганлиги боис, ўтган йили улар ўртасида юқумли гепатит касаллигига чалинганлар ҳам бор. Шифокорлар озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомлар сифатини назорат қилиб боришда ҳам бепарволикка йўл қўйганлар.

Худди шундай камчиликлар 2-болалар мурувват уйида ҳам мавжуд. Бу ерда болаларни иссиқ кийимлар билан таъминлаш раҳбарларнинг хаёлидан кўтарилган кўринади. Болаларни овқатлантиришда ҳам талай камчиликлар аниқландики, бу ҳолат зарур чоралар кўришни талаб этади.

Шуниси ачинарлики, ўтган йилнинг 10 ойи давомида болалар уйида 287 та касаллик қайд этилган. Шундан 177 таси юқумли ўткир касаллик эканлигини айтадиган бўлсак, мурувват уйида болалар саломатлигини муҳофаза қилишнинг аҳволи яхши эмаслиги аён бўлади. Бунинг асосий сабабларидан бири шифокор ва ҳамширалар тиббий хизмат кўрсатишни кўнгилдагидек ташкил этишмаганидадир. Болалар уйида озиқ-овқат маҳсулотлари омборхонаси, музхоналар етишмаслиги туфайли гўшт ва сут маҳсулотлари аралаш ҳолда сақлаб келинмоқда, тайёрланаётган таомлар сифати шифокор томонидан назорат остига олинмаган.

Болалар уйида ёнғиннинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг бажарилиши ҳам қониқарсиз аҳволда. Жорий йилнинг 13 январида бош шифокор ўринбосари К.Мавлоновга текшириш вақтида аниқланган қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 17 та ёзма кўрсатма берилган эди. Ҳозирга қадар эса уларнинг 5 таси юзаки бажарилган, холос.

Й.Охунбобоев номли махсус мактаб-интернатида эса болалар учун ажратилган 8 та ювиниш хонасининг ярми яроқсиз аҳволга келиб қолган, иситиш тармоқлари ҳам ишдан чиққан. Интернатда тиббий хизмат кўрсатувчи ходимларни текшириув куни ўз иш жойларидан топиб бўлмади. Бу ерда саломатликни назорат қилиш атиги 1 нафар тиббий ҳамшира зиммасига юклатилган. Болалар билан ўтказилган суҳбатда эса беморларга тиббий хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилмаётганлиги аён бўлди.

Булар бир қарашда арзимас қусурлардек кўринади. Лекин айниқса, ногирон болалар саломатлигини муҳофаза қилишда ҳар қандай камчиликка бепарволик билан қараб бўлмайди.

Шаҳар прокуратураси текшириви якунлари асосида бундай қонун бузилиши ҳолларини бартараф этиш тўғрисида тегишли прокурорлик таъсир воситалари қўлланилди, албатта. Ўйлаймизки, болалар саломатлигига жавобгар бўлган мутасадди раҳбарлар аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш учун бор имкониятлардан фойдаланадилар.

У.ЖАЛОЛОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи.

Қонун ва ижро

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚЛАРИ БУЗИЛМАСИН

Қонунлар ўзининг яратилиш моҳиятига кўра, аввало, инсоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари доирасини белгилаб бериб, жамиятда адолат ўрнатишга хизмат қилади. Инсоннинг хатти-ҳаракати қонун чегарасидан чиқса, барқарорлик ҳолати яъни қонун талаблари бузилишига олиб келади. Бу ҳолат жамиятнинг ҳар томонлама ривожланишига маълум даражада тўсиқ бўлади, бошқа инсонларнинг ҳуқуқларини чеклашга олиб келади.

Жамият яратилибдики, қонун-қоидалар мавжуд бўлиб, улар жамиятнинг ҳуқуқий негизини ташкил қилади, бошқа бир қатор ижтимоий, иқтисодий йўналишларни тартибга солади. Қаерда кучли, ҳар томонлама ўйлаб ишлаб чиқарилган қонун бўлса, шу ерда ривожланиш учун асос бўлади. Жамиятда қонунга риоя этилиши эса қонун устиворлигининг муҳим шарти бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда республикамизда амалга оширилаётган ҳар бир соҳадаги ўзгаришлар юртимизнинг тараққиёт сари қадам қўяётганлигидан, иқтисодий асослар шаклланаётганлигидан, ҳуқуқий давлат барпо этиш учун замин яратилаётганлигидан далолат беради.

«Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир», деб таъкидлайди Президентимиз И.Каримов.

Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни истеъмолчиларнинг товар, иш, хизматларга нисбатан ҳуқуқларини белгилаб берди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 5 мартдаги «Бозор фаолиятини ташкил этиш ва аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада савдони эркинлаштириш чоралари ҳақида»ги, «Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда назорат касса машиналарини қўллашнинг мажбурий тартиби тўғрисида»ги қарорлари истеъмолчиларнинг товар, иш, хизматларга нисбатан ҳуқуқларини мустаҳкамлаб қўйди. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқарувчи ва сотувчиларни сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб, сифатли хизмат кўрсатишга ундайди.

Аммо шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, барча товар ишлаб чиқарувчилар ҳам, сотувчилар ҳам сифатли хизмат кўрсатиш, товарлар яратиш даражасига кўтарилган эмаслар.

Чунончи, туман ҳудудида Республика аҳамиятига молик бўлган «Отчопар» савдо-буюм базори мавжуд бўлиб, бозор ҳудудида ҳанузгача тадбиркорларга савдо-сотиқ қилиш учун етарли шароит яратилмаган, шу билан бирга айрим тадбиркор шахслар қонунларга риоя қилмаяптилар.

Тадбиркор шахслар томонидан очилган хусусий ошхоналардаги аҳвол санитария-гигиена талабларига жавоб бермайди. Туман санитария-эпидемиология хизмати ходимлари билан ҳамкорликда мазкур ошхоналарда текширув олиб борилганида кўпчилик ошхоналарда бир турдаги қонунбузарлик ҳолатларига дуч келинди. Ошхоналарда аҳолига хизмат кўрсатаётган шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтмаганлиги, махсус кийимлар билан таъминланмаганлиги, хизмат кўрсатиш савиясининг пастлиги, хўрандаларнинг овқатланиши учун етарли шароит яратилмаганлиги каби камчиликлар кўзга ташланди. Мазкур камчиликларнинг мавжудлиги аҳоли орасида юқумли касалликларнинг тарқалишига, истеъмолчилар ҳуқуқларининг чекланишига сабаб бўлмоқда.

Шундай қонунбузарликларнинг олдини олиш мақсадида тегишли прокурорлик таъсир чоралари кўрилди, яъни текшириш натижалари бўйича санитария-гигиена ҳолатига жавоб бермайдиган ошхоналар фаолияти таъқиқлаб қўйилди. Бу борада 14 та шахсга нисбатан маъмурий иш қўзғатилди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Назорат касса машиналарини қўллашнинг мажбурий тартиби тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бирга пул муомаласини яхшилашга қаратилгандир.

1995 йил 1 январдан бошлаб Республика ҳудудида мулк шаклларидан қатъий назар барча савдо объектларида назорат касса машиналарини ўрнатишнинг мажбурийлиги белгиланган эди.

Мазкур қонуннинг тумандаги ижроси аҳволи туман прокуратураси томонидан туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари билан ҳамкорликда текширувдан ўтказилди. Текширувлар давомида айрим савдо нуқталарида қонун талабларининг бузилиши ҳолатларига дуч келинди.

Чунончи, Чилонзор тумани Мукимий кўчасида жойлашган тижорат дўкони текширилганда дўконда жами қиймати 31минг 900 сўмни ташкил этган тамаки ва спиртли ичимликларда Ўзбекистон Республикаси акциз маркалари йўқлиги, дўконда касса назорат машинаси ишламаётганлиги аниқланди.

Шунингдек, «Оқтепа» майдонида жойлашган «Оқтепа» савдо фирмасининг мебель дўконида ўтказилган текшириш жараёнида валюта бўлимида 148732 сўм 20 тийин пул касса назорат машинасидан ўтказилмаганлиги маълум бўлди.

Текширув натижалари бўйича айбдор шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Шу каби ҳолат «Фарма-шаф» хусусий фирмаси дорихонасида ўтказилган текширишда ҳам аниқланди.

Ушбу ҳолатларда «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг бузилишига йўл қўйилган. Ваҳоланки, мазкур қонуннинг 10-моддасида «Олди-сотди муносабатлари амалга оширилганда истеъмолчига касса ёки товар чеки берилади. Товарни касса ёки товар чекини бермасдан сотиш таъқиқланади», деб кўрсатилган. Мазкур қонуннинг бузилиши истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини чеклаш билан биргаликда давлатнинг иқтисодиётига ҳам жиддий зарар етказади.

Бундай нохуш ҳолларнинг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жамоа бирлашмалари, ўзини-ўзи бошқариш органларининг аҳоли орасида кенг ҳуқуқ тарғибот ишларини олиб боришлари самарали натижа беради.

Н.ШАЙХОВ,
Чилонзор туман прокурорининг катта ёрдамчиси.

Жиноят ва жазо

«СЕВГИ» ВА ПУЛГА МУҲАББАТ

ЁХУД ШАМОЛГА СОВУРИЛГАН МИЛЛИОНЛАР

Мамлакатимизда ишбилармонлар учун катта имкониятлар яратилган. Ишнинг кўзини билган тадбиркорлар ўзини ўнглаб олди. Қийин йўлни танлаган, ишбилармон ниқобидаги «учар»лар ўз қилмишлари учун қонун олдида жавоб берояпти.

Сирғали туманидаги «Т+М» корхонасининг бош директори А.Рустамовнинг «учар»лиги яхшиликка олиб келмади. Ў туман пенсия жамғармасидан 2 миллион сўм қарз олди. Пуллар корхонасининг ҳисоб рақамига тушгач, феъли айниди. Бундай ўйлаб қараса, 2 миллион сўм ҳазилакам пул эмас. «Қўлимда мухр бўлса, банкдан пул олиш учун имзоим ўтса, нега жим ўтирибман», -- дейди-ю, зудлик билан ишга киришади. Ҳаш-паш дегунча «ишбилармон» 2 миллион сўмнинг тагига сув қуйди.

Туман прокуратураси банк ва давлат идоралари томонидан ўз вақтида қайтмаган кредитларни текширилганда А.Рустамовнинг 2 миллион сўмлик кредитни қалбаки ҳужжатлар билан олганлиги ҳам аён бўлди. Оқибатда сохта ишбилармон суднинг ҳукми билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Корхона учун ном қўйишда Р. Ҳикматуллаевга тенг келадигани топилмаса керак. У ўз корхонасининг номини «Севги» деб атади. «Севги» корхонасининг директори Р.Ҳикматуллаев суднинг кора курсисига ўтирганидан кейин пулга меҳр қўйгани маълум бўлиб қолди. У ҳам «Автодорбанк»дагиларга «ишбилармонлик билан шуғулланаман», деб 5 миллион сўм қарз олди. Олинган пулларни эса ўйламай-нетмай ўз манфаатлари учун ишлатиб юборди. Суд уни узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазолади. Эндиликда Р. Ҳикматуллаев у «томон»ларда ўз ҳамтовоқлари билан «банкдаги операциялари» ҳақида ўйлаб кўраётган бўлса, ажаб эмас.

Шунингдек, «Мироб» корхонаси бош ҳисобчиси Ф.Саитова, «Авер - Пак» корхонаси бош-лиги А. Пак ҳам банкдан олган маблағларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлиги аниқланди. Икки учар ишбилармонлар устидан ҳам жиноят иши қўзғатилди.

Жиноятчи ким бўлишидан қатъий назар қонун олдида жавоб беради. Биз юқорида номларини қайд қилган шахсларнинг тақдири ҳам бунга мисол бўлади. Қизиғи, улар саводсиз, ҳисоб-китобдан бехабар инсонлар эмас, балки қонунларни сувдай ичган ташкилот раҳбарлари эди.Уларни суднинг қора курсисига бировлар эмас, ўзларининг нафслари етаклаб келган, десак хато қилмаймиз.

Энди масаланинг иккинчи томонига келсак, давлатнинг миллион-миллион сўмлаб пулларини бундай «учар»ларнинг қўлига қўш қўллаб тутқазиб қўяётган банк раҳбарлари ҳам айбдор эмасмикин ?

Албатта, банк раҳбарлари ўз чўнтакларидан бировларга қарз учун пул бераганларида эди, бунчалик «сахий» ва лоқайд бўлмас эдилар. Қачонгача давлатнинг пуллари шамолга совурилади? Қачон сохта ишбилармонлар фаолиятига чек қўйилади? Энди ана шундай саволларга жавоб топилиши керак. Акс ҳолда... Нафс балосига йўлиққан сохта тадбиркорларнинг парвози баландлайверади.

К. СИНДАРОВ,
Сирғали туман прокурори ўринбосари.

Таҳлил

ИЖРО ИНТИЗОМИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ХЎЖАЛИК СУДИ ҚАРОРЛАРИ НЕГА СУСТ БАЖАРИЛМОҚДА?

Тараққиётнинг бугунги босқичи хўжалик судлари зиммасига ҳам улкан вазифалар юклайди. Иқтисодий муносабатларни мувофиқлаштириш, икки томонлама шартномаларнинг бажарилиши, шунга оид низоларни адолатли ва ўз вақтида ҳал этиш хўжалик судларнинг асосий фаолият турларидандир. Хўш, бу каби қатор долзарб вазифалар Тошкент вилоят хўжалик суди томонидан қандай бажарилмоқда?

Биз шу саволларга жавоб излаб Тошкент вилоят хўжалик суди, шунингдек бир қанча туман, шаҳар солиқ инспекциялари ва банк бўлимларининг 1997 йилнинг 8 ойи мобайнидаги фаолиятини тегишли идоралар мутахассислари билан ҳамкорликда ўрганиб чиқдик. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан 708 та хўжалик низоларидан 510 таси қаноатлантирилган ва даъвогарларга 388 млн. 221 минг сўм ва 24983 доллар 52 цент ундирилган. Маъмурий - ҳуқуқий йўналишдаги низолар бўйича 1 миллиард 670 млн. 350 минг сўм ундирилган.

Текширишлар давомида буйруқларнинг айримлари вилоят хўжалик судининг айби билан қонунда белгиланган муддатда ижро этиш учун юборилмагани аниқланди. Масалан, ўтган йилнинг 8 ойи давомида 560 та буйруқдан 134 таси қонунда белгиланган 5 кунлик муддатда, 204 таси ўн,137 таси йигирма, 28 таси бир ойгача ва 7 таси бир ойдан ошиқ муддат ичида юборилган. Шунингдек, вилоят солиқ бошқармаси ва унинг жойлардаги инспекцияларига 13 млн. 367 минг сўм давлат божи ва жарималар ундириш ҳақидаги 336 та буйруқдан 40 таси беш кун, 136 таси 10 кун, 106 таси йигирма, 37 таси бир ойгача ва 14 таси бир ойдан ортиқ бўлган муддатда жўнатилган. Хўжалик судларини ривожлантириш фонди ҳисобига 2 млн.60 минг сўм ундириш ҳақидаги буйруқлар ҳам ижро қилиш учун вақтида етиб бормаган. Бу каби эътиборсизликлар суд қарорлари ижросининг чўзилиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Бунга бевосита шу ишга масъул бўлган мутасаддиларнинг бепарволиклари ҳам сабаб бўлмоқда. Солиқ идораларига келиб тушган буйруқларни «Хўжалик судлари қарорларининг солиқ идоралари ва банклар томонидан бажарилиши тартиби»да белгиланган уч кунлик муддатда банкка топшириш, қарздорнинг ҳисоб рақамида пул маблағи бўлмаган тақдирда ижро усулини ўзгартириш чораларини кўриш ва ундирувчининг молиявий аҳволи ҳақида банк муассасаларидан ўз вақтида маълумот беришни талаб қилишда сусткашликка йўл қўйилаяпти. Берилган ваколат доирасида қатъий иш олиб борилмояпти. Бундан ташқари, вилоят солиқ бошқармасига юборилган 103 та буйруқдан 11 таси бошқарма томонидан бевосита ижрочилар бўлган туман ва шаҳар солиқ инспекцияларига кечиктириб юборилган. Бюджетга тўланадиган мажбурий тўловларни қарздор ташкилотнинг мол-мулки ҳисобидан ундириш ҳақидаги 130 буйруқдан 4 таси бўйича солиқ идоралари томонидан қарздор идоларнинг мол-мулки рўйхатга олинмаган. 23 та буйруқ банк муассасаларига муддати ўтказиб топширилган. Тошкент вилоят хўжалик судининг 1997 йил 10 апрелдаги 752-сонли буйруғи Оҳангарон шаҳар солиқ инспекциясига 12 майда келиб тушган, қарздорга хизмат кўрсатувчи «Ўйжойжамғармабанк»нинг шаҳар бўлимига эса 17май куни топширилган. Орадан бир кун ўтгач, ундирувчига шу инкасса топшириқномаси қарздорнинг ҳисобида пул маблағи йўқлиги сабабли К-2 га қўйилганлиги тўғрисида хабар берилган. Аммо, ижро усулини ўзгартириш масаласи ҳал этилмаган.

Банк бўлимлари 130 млн. 324 минг сўм ундириш ҳақидаги 260 та суд буйруқларидан 66 тасини ижро этиб, 5 млн. 242 минг сўм ундирган, холос.

Жойлардаги солиқ идоларида маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низолар бўйича ижрода турган суд қарорлари аҳволи ўрганилганда давлат бюджетига солиқлар ҳамда мажбурий тўловларни қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан ундириш амалиётидан зарур даражада фойдаланилмаётгани аниқланди. Ўрта Чирчиқ туман солиқ инспекцияси шу ҳақда юборилган 17 та буйруқдан 14 таси ижро қилинган, қолган 3 таси бўйича қарздор ташкилотнинг мол-мулки рўйхатга олинган-у, аммо савдога қўйилмаган.

Вилоят хўжалик суди қарорларининг банклар томонидан қандай бажарилаётганига аниқлик киритиш мақсадида ИАТ «Пахтабанк»нинг Тўйтепа, Янгийўл, Гулбаҳор, ИАТ «Мевасабзавотбанк»нинг Оҳангарон, Ғазалкент, «Ўйжойжамғармабанк»нинг Оҳангарон, Олмалиқ, «Саноатқурилишбанк»-нинг Ғазалкент, «Тадбир-корбанк»нинг Олмалиқ ва Ғазалкент бўлимлари фаолияти ўрганиб чиқилди. Бу банк бўлим-ларига ўтган йилнинг 1сентябригача 130 млн. 324 минг сўм ундириш ҳақидаги 260 та суд буйруқлари келиб тушган бўлиб, улардан 66 таси юзасидан 5 млн. 242 минг сўм ёки 3,9 фоизи ундирилган:

-121 млн. 21 минг сўм ундириш ҳақидаги 113 та буйруқдан атиги 21 таси ижро этилган, бу умумий сумманинг 3,4 фоизини ташкил этади. Бюджетга 12 млн. 382 минг сўм ундириш тўғрисидаги 51 та буйруқдан ўн учтаси бўйича 929 минг сўм, хўжалик суди фойдасига 1 млн. 921 сўм ундириш борасидаги 96 та буйруқдан 35 таси ижро қилиниб, 280 минг сўм ундирилган, холос.

Бундай бошбошдоқликнинг асосий сабаби сифатида банк муассасалари қарздорларнинг ҳисоб рақамида пули йўқлигини кўрсатишмоқда. Лекин бу хусусда ундирувчиларга уч кунлик муддатда хабар бериши керак-ку. Наҳотки, шу ишни уддалаш шунчалар қийин бўлса?! Бу ишга совуққонликдан бошқа нарса эмас...

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 236 та буйруқдан 76 таси бўйича ўз вақтида, 37 таси юзасидан эса, умуман хабар берилмаган. Тошкент вилоят хўжалик судининг 1997 йил 4 августдаги 1063-сонли буйруғи ундирувчи ГАЖК «Темир йўллари» томонидан қарздорга хизмат кўрсатувчи «Мевасабзавотбанк»нинг Ғазалкент бўлимига 2 сентябрда келиб тушган. Аммо, ижро ҳақида 1 октябрга қадар ундирувчига ҳеч қандай хабар берилмаган. Шунингдек, солиқ идоралари томонидан банк бўлимларига топширилган давлат бюджетига 12 млн. 382 минг сўм ундириш ҳақидаги 51 та буйруқ ижро қилинмаган. Бу каби фактларни истаганча келтириш мумкин.

Банк муассасалари 236 та буйруқнинг 37 таси юзасидан қарздорнинг ҳисоб рақамида пули йўқлиги ҳақида ундирувчи томонга умуман хабар бермаган.

Шу ўрнида савол туғилади: нега хўжалик судлари қарорларининг ижроси сust бажарилмоқда? Текшириш натижаларига кўра, шундай хулосага келдик:

- биринчиси, ташкилотлар ҳисоб рақамидаги маблағнинг катта қисми бюджетдан қарзни қоплашга сарфланаётганидир;

-иккинчиси, банклар қарорлар ижроси ҳақида ундирувчиларга ўз вақтида хабар бермаяптилар;

-учинчиси, қарздорнинг пули йўқлиги ҳақида хабар топган ундирувчилар ижро усулини ўзгартиришни сўраб судга мурожаат қилишмаяпти;

-тўртинчиси, даъво аризаларида жавобгарларнинг банк реквизитлари, манзили ҳақида тўлиқ маълумот бермаслик ҳоллари мавжуд.

Солиқ идоралари томонидан ижро интизомининг бузилишига асосан, қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда:

- кўпчилик ҳолларда солиқ идоралари қарздорнинг пули йўқлигини била туриб, қарзни унинг мол-мулки ҳисобидан ундириш масаласини ҳал қилмасдан ҳисоб рақамига инкасса топшириқно-маси қўйиш билан чекланишмоқда;

- қарздорнинг мол-мулкини рўйхатга олиш ва савдо тармоқлари орқали сотиш пайсалга солинмоқда;

- рўйхатга олинган мулкни баҳолашда ноаниқликлар мавжуд. Қўйилган баҳо ва харид имкониятлари ўртасида катта тафовутларга йўл қўйилмоқда.

Солиқ идоралари томонидан суд қарорлари бир ёқлама ижро қилинаётгани ҳам муаммони чигаллаштирмоқда..

Хуллас, вилоят хўжалик суди фаолиятидаги камчиликлар, қарорлар ижросидаги хатолар, ноаниқликлар, уларнинг сабаб ва оқибатлари шулардан иборат. Бу масала вилоят ҳокимиятида барча туман, шаҳар ҳокимлари, прокурорлари , солиқ, банк ва бошқа мутасадди идоралар раҳбарлари иштирокида мувофиқлашти-рувчи кенгашда муҳокама этилиб, суд қарорлари ижросини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари белгиланди. Назаримда, бу соҳага мутассадди бўлган раҳбарлар ўз фаолиятларини қайта, танқидий назар билан кўриб чиқиб, камчиликларни тугатиш йўлларини изламас эканлар, иқтисодий муносабатларнинг бир маромга тушиши, тўлов интизомида қатъий тартиб ўрнатиш қийин кечади.

Хуррам ХОЛИҚОВ,
Тошкент вилоят прокурори ўринбосари,

Нурали ЭРГАШЕВ,
вилоят прокурори катта ёрдамчиси.

Жиноятга жазо муқаррар

УХЛАДИМИ... ЭНДИ БАРИБИР УНГА...

Ўғил фарзанд кўрсак ҳаммамизнинг ҳам бошимиз кўкка етади. Ана шу ўғил улғайиб йигит бўлгач, қувончимизга минг қувонч қўшилади. Негаки, йигит оиланинг, қоларверса, миллатнинг таянчи саналади. Азалий удумларимизга кўра ўғли бор хонадон бадавлат ҳисобланади. Оталар ўғилларига белимнинг қуввати, кўзимнинг нури деб қарайдилар.

Абдужалил, Бахтиёр ва Низомиддинлар туғилганда ҳам ота-оналари ана шундай қувонгандирлар. Улар йигит ёшига етгач, оғиримни кўтарадиган бўлади деб суюнгандирлар. Аммо, улар бундай қилолмадилар. Бир оғирни минг қилиб оталарнинг елкаларига ташладилар, белларининг қувватини сусайтирдилар, кўзларидаги нурни қайтардилар. Ўзлари эса йигит ёшларида иблисга емак бўлдилар.

Бахтиёр - асли андижонлик. Юртида топиш-тутиши яхши бўлмагач, Тошкентга насиба излаб келди. Келиб билдики, ростданам Тошкентда яхши одамлар кўп экан. Уларнинг кўмагида бошпана топди, рўйхатдан ўтмасдан яшаганига қарамасдан, ёлланиб ишлаб озмунча пул топди. Кунларининг бирида Абдужалил исмли тожик йигити билан танишиб қолди. У Душанбедан келибди. Эндигина ўн саккизни қаршилаган бу йигитча оёқ-қўли чаққон чиқиб қолди.

Меҳнат қилиб эл қатори кун кўриб юришган эди. Аммо пойтахтдаги фаровончилик, одамларнинг тўкин турмуш тарзи уларнинг ҳасадини келтира бошлади. Нега бошқалар яхши яшашадию, улар зўрға кун кечиришлари керак?

Худди шу саволга жавоб излаб юрган кунларида улар янги таниш орттиришди. Низомиддин исмли бу йигит уларда худди саволларининг жавобидек таассурот қолдирди. Дарров иноқ бўлиб кетишди. Низомиддин уларга кимни қандай алдаганию, кимнинг ҳожатини қандай чиқаргани тўғрисида саргузаштларини гапириб берган эди, шериклари нинг оғизлари очилиб қолди. Ўз навбатида йигитлар ҳам қандай қобилиятлар соҳиби эканликлари тўғрисида батафсил маълумот бердилар. Учовлон бир ижарахона топиб яшай бошлашди.

- Бу қанақа замон бўлди-а, биродар, - деб қолди бир куни Низомиддин. - Қанақадир оғзидаги нонини зўрға чайнайдиган мишиқилар бизнесменман деб чўнтакларини қаппайтириб, кўринганини туртиб юрсаю, биз-қўлимиздан ҳамма иш келадиган йигитлар топганимиз икки кунга етмаса-я? Биз ҳам бирон нарса ўйлаб топмасак бўлмайди.

- Биз ҳам бизнес қилайлик, - типирчилаб қолди Бахтиёр.

- Ақлинг ёшингга мос сени, болача, - ишшайди Низомиддин. - Нима бизнесменларга осон деб ўйлайсанми? Унгаям мингта ҳужжат, минг битта таниш керак. Ҳозирги юришимиз яхши ундан. Биз ҳеч ким қилмаган, унча-мунча одам қилолмайдиган ишни қиламиз.

Низомиддин атайин шу ерда гапини бўлди.

- Хўш, хўш? - Шериклари уни қистай бошлади.

- Яъни, биз одамларни ухлатиб қўйиб пулини оламиз, - Низомиддин худди катта бир фалсафий ақида ўйлаб топгандай кўрсаткич бармоғини ҳавода ўйнатганча, ёстиққа ёнбошлади.

- Қ-қанақасига?-ҳайрон бўлишди шериклари.

- Жуда осон. Такси тўхтатамиз-да, чиқамиз. Одам камроқ жойда тўхтатиб, эгасини -ухлатамиз-да, чўнтакларидаги пулларини қурттай санаб олаверамиз. Ҳеч ким билмайди. Бир шоир айтганидек, ухладими... ўлдими, энди барибир унга.

- Э, сенда шунақа қобилият борми?

- Ҳа-да, сенлар ёрдам берсанглар, иш янаям осон кечади.

Шу тариқа уч йигит 1996 йил 23 декабр куни тузган режалари асосида «ов»га чиқишди.

Кўкча даҳасида шошилинч йўловчилар каби такси тўхтатишди. «Жигули» машинаси эгасидан Қўйлиқ-5 даҳасига олиб бориб қўйишини сўрашди. Манзилга яқин қолганда, уларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб ўтирган шофёрнинг кўнглига гулғула тушди. Айниқса, Низомиддиннинг камарини ечиб олиб ўйнатиб ўтиргани шубҳасини ошириб юборди.

- Ока, бизларни янги қурилган «дом»лар олдида туширсангиз.

Шофёр ўтириши бежо Низомиддинга яхшилаб қараб олдида, машинасини тўхтатди:

- Сенларнинг қадамларинг қийшиқка ўхшаяпти, шу ерда тушасизлар. Низомиддин дув қизариб кетди:

- Нималар деяпсиз, ока, биз бир қишлоқи йигитлар бўлсак, қўлимиздан ёмонлик келмайди.

- Униси сизларнинг ишинглар. Менинг ишим машинамдан тушириш.

Йигитларнинг машинадан тушишдан ўзга иложи қолмади. Шофёрнинг боплаб таъзирини беришардию, атрофда одамлар кўп.

Машина орқасига бурилиб кетди. Низомиддин жаҳл билан сўкинди-ю, қўл силтади.

- Ничево, бўп туради. Бу бўлмаса бошқаси. Лекин, бу бизга сабоқ бўлди. Бундан кейин таксига чиққанимизда, бирбиримиз билан гаплашмаймиз. Ҳеч қанақа имо-ишора қилмаймиз... Буниям яшириброқ ўтирамиз, - у камарини чўнтагига солиб қўйди. - Энди ишга.

Улар озгина пиёда юришиб, яна такси кута бошлашди.

Қаршиларида давлат белгиси 11 А 48 93 бўлган ГАЗ-21 автомашинаси тўхтади. Ундан Сирғали тумани Қуруғчи даҳасига олиб

(Давоми 7-бетда).

«Ҳуқуқ» таништиради: Чилонзор туман прокуратураси

БУ ЙЎЛЛАРДАН ҚАЙТИНГ, АЁЛЛАР!

Оила - жамият таянчи. Хўш, оиланинг таянчи ким? Албатта - аёл-да. Шунинг учун ҳам, «Сен барибир муқаддассан, муқаддас аёл», - дейди шоираларимиздан бири . Ҳақ гап. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ҳеч бир замонда аёллар қораланиб ёзилган бирон мисрани тополмайсиз. Ҳар доим аёллар мақталган, кўкларга кўтарилган. Халқимизнинг фахрига айланган А.Навоий, Ибн Сино, Беруний, Бобур, Улуғбек каби кўплаб машҳур зотларни тарбиялаб вояга етказган шарқ аёллари, албатта, бу мақтовларга лойиқ эди.

Хозирги пайтда ҳам халқ учун, жамият учун фойдали ишлар билан машғул бўлган, «муқаддас» деган номга лойиқ аёлларимиз кўпчилик эканлигини мамнуният билан таъкидлаган ҳолда, сўнгги пайтларда аёллик шаънига доғ тушириб, жиноят кўчасига кириб қолаётган аёллар ҳам учраб турганлигини ачиниш билан айтишимиз мумкин.

Чилонзор туман прокурори М.Солиҳов билан суҳбатимиз айни шу мавзуда бўлди.

- Мурод ака, туманингиз ҳудудидаги аёллар ўртасида жиноят содир этиш ҳоллари ҳақида гапириб берсангиз?

- Минг афсуски, сўнгги пайтларда туманимиз ҳудудида аёллар ўртасида жиноятчилик учраб турибди. Ўтган 1997 йил давомида аёллар томонидан содир этилган жиноятлар асосан наркотик моддаларни ғайриқонуний равишда сақлаш ва ўтказиш, фоҳишахоналар сақлаш, безорилик, ўғрилик, фирибгарлик, савдо қоидаларини бузиш билан боғлиқ.

Аёл кишининг «қора курсида» бошини ҳам қилиб ўтиришини тасаввур қилишнинг ўзи бир даҳшат ва ўта ачинарли ҳолдир.

Мана, масалан, эндигина 21 ёшга кирган Шаҳноза Ваҳобованинг содир этган жиноятини кўриб, аёллик шаънини ерга урувчилар борлигига афсусланиб кетасиз. Шаҳноза ўзининг таниши Н.Набиҳўжаевининг юзига оёқ қўйди. Унга ишониб, уйининг калитини ташлаб кетган Н.Набиҳўжаева не кўз билан кўрсинки, кийим жавони шип -шийдон қилинганди. У жами 144925 сўмлик кийим-кечаклари ўғирланганлигини билди. Лекин, яқин таниши бўлган Шаҳноза шу ишни қилганлигига анча вақтгача ўзини ишонтиролмади. Бу қилмиши билан Шаҳноза ўзини ҳам, танишини ҳам жуда ноқулай аҳволга солиб қўйди. Н. Набиҳўжаева «Бу дунёда одамларга ишониш керак эмас», деган хулосага келган бўлса-чи? Ишончдан маҳрум бўлиш -- инсон учун оғир йўқотишдир. Содир этган жинояти учун тегишли жазосини олган Шаҳноза ҳам қинғир ишнинг қийиғи чиқишини англаб етган бўлса, ажаб эмас.

Яна бир жиноятчи аёл З.Беркенбоеванинг қилмиши ҳаммасиникидан ошиб тушган. У қилни қирқ ёрадиган макр - ҳийлалари-ю, ёлғон кўрсатмалари билан анча вақтгача тергов ходимларини чалғитишга уринди. З. Беркенбоева аввал ҳам фирибгарвик жинояти учун судланган. Унга нисбатан 1994 йил амнистия қўлланилган. Озодликда юриб бир ишнинг бошини тутмай «зериккан» З. Беркенбоеванинг ўрганган кўнгли яна жиноят қилишга ундаб ўртайверди. У шу йилнинг ўзида фирибгарлик йўли билан бойлик орттириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси 1-клиник касалхонаси жарроҳлик бўлимига З.Тасибекова фамилияси билан келади. У ўзини иккита номаълум шахс Чилонзор туман, 3 мавзе 37-уйнинг ёнида жисмоний куч ишлатиб, тан жароҳати етказиб, эгнидаги қимматбаҳо пальтоси ва пул тўла ҳамёнини очиқданочиқ талон-тарож қилиб кетганлигини ёзиб прокуратурага ариза беради. Ушбу важлар билан касалхонада даволаниб ётган даврида ҳам у фирибгарлик ва ўғрилик ишларини изчил давом эттириб, врач Б.Давлетованн ва бир неча даволанувчиларни алдаб, пул ва кийим-кечаларини ўғирлаб кетган. Тутқич бермай қочиб юрган фирибгар аёл тезда қўлга олинди.Энди у ҳамма ёлғон кўрсатмалари-ю, фирибгарликлари учун қонун олдида жавоб беради.

Аёллар орасида наркотик моддаларни сақлаш ва ўтказиш жиноятини содир этиб, жавобгарликка тортилаётганлар ҳам учрамоқда. Қорадори сотишни касб қилиб олган оғуфурушлар Р. Плотникова ва С. Ганиналарнинг ҳар бири 1 килограмм 25 грамм «опий»ни сотиш мақсадида сақлаб турган пайтида қўлга олинди. Оғуфурушлар қилмишига яраша жазо олишди.

Ичкилик нафақат эркакларни балки, аёлларни ҳам йўлдан оздиради. Г.Султонова қўшниси Ф.Тимакинанинг уйига меҳмон бўлиб келиб, улфатчилик қилишади. Арзимаган гапдан чиққан жанжал натижасида Г.Султонова улфатларидан бири бўлган Б.Алимовнинг бошига бўш шиша билан тушириб қолади. Оқибатда Б.Алимов тан жароҳати олади. Уларни тинчлантирмоқчи бўлган уй эгаси ҳам ҳақорат ва қалтаклардан бенасиб қолмади. Хуллас, бу қилмишлари учун безори Г. Султонова жазосини оладиган бўлди.Бундай мисолларни давом эттиравериш мумкин.

- Ушбу жиноятларнинг келиб чиқишига сабаб нима ва унинг олдини олиш учун нима қилиш керак деб ўйлайсиз?

- Туманимиздаги ушбу жиноятчиликнинг келиб чиқишига асосий сабаблардан бири ҳудудимиз шаҳримизга кириб келадиган катта дарвоза ҳисобланади. Турли давлатлардан ва мамлакатимизнинг турли вилоятларидан ҳар хил мақсадларда шаҳримизга келаётган айрим фуқаролар ғаразли мақсадини ушбу ҳудуддаёқ амалга оширишга урининг кўрадилар. Туманимизда республика миқёсидаги «Отчопар» бозорининг, ҳар куни минг-минглаб йўловчиларни қабул қилиб оладиган ва қузатиб қўядиган Жанубий темир йўл шоҳбекатининг жойлашганлиги ҳам назоратни ўта қучайтиришни талаб қилади. Сўнгги пайтларда, айниқса, «Отчопар» бозори ёнида жойлашган чет эл тижоратчиларининг юк машиналари сақланадиган ва дам олиш маскани бўлган Туркия парки ўз танини, ор-номусини пулга сотаётган айрим виждонсиз фоҳиша аёлларнинг серқатнов маконига айланаётганлиги ташвишланарлидир. Текширувлар натижасида уларнинг кўпчилиги шаҳримизда яшамайдиган турли давлатлардан келган фуқаролар эканлиги аниқланди ва уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Бу жиноят кўчасига киргандар нафақат ўзларини хор қилади, балки ҳар хил юқумли касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлмоқда.

Аёлларнинг жиноят кўчасига киришига яна бир асосий сабаб оиладаги носоғлом тарбиядир. Тергов жараёнида тўпланган жиноятчи шахслар ҳақидаги маълумотларга мурожаат қиладиган бўлсак, ҳаммаси ҳам носоғлом муҳитда тарбияланганлиги маълум бўлади. Тоталитар тузум қолдирган энг хавфли асоратлардан бири - кўпчилик оилалардаги ғарбона тарбиядир. Бундай оила муҳитида тарбия топган баъзи қизлар кўпинча спиртли ичимликлар ичишга ружу қўйишади, ҳамда молпарастликка мойил бўлишади. Шунинг учун ҳам оилаларда қизларимизга ҳақиқий шарқона тарбия берилиши ушбу жиноятчиликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, қадимдан маънавият ва маданият бешиги ҳисобланган шарқда аёл зоти қадрланади ва қизларнинг тарбиясига ўта жиддий эътибор берилади. Халқимиз «Битта қизни тарбиялашдан минтга қўйни боқиш афзал», деб бежиз айтишмаган.

Дарҳақиқат, фарзандларнинг, айниқса, қизларнинг тарбияси ота-онага, қолаверса, боғча, мактаб, турли ўқув муассасалари, маҳалла қўмиталарига ҳам катта масъулият юклайди. Мактабларда «Одобнома» дарсларига муносабатни тубдан яхшилаш керак. Уларнинг асосий тарбиявий дарс қилиб ўтилиши ҳам қизларимизнинг одобли, ибо-ҳаёли, ор-номусли бўлиб етишишида самарали натижалар беради, деб ўйлайман. Қасални даволашдан кўра , олдини олиш осон деганларидек, биз ҳам жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, маҳалла қўмиталари, хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорликда турли тадбирлар ўтказяпмиз. Худди шундай тадбирлардан бири ўтган йилнинг сентябрь ойида бутун туман миқёсида ўтказилди. Бунда тумандаги барча хотин-қизлар қўмитаси фаоллари иштирок этиб, «Аёллар ўртасидаги жиноятчилик ҳолатлари ва уларнинг олдини олиш» мавзусида мунозаралар бўлди. Бундай учрашувларни муассаса, корхоналар, аҳоли, ёшлар орасида ҳам ўтказиб турамиз. Куни кеча ходимларимиз туманимизда жойлашган 1- педагогика билим юртида талабалар билан учрашув ўтказишди. «1998 йил - оила йили» шиори остида ўтказилган ушбу тадбирда қурилажак оилаларнинг мустаҳкамлиги миллатимиз келажаги учун муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди ва талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Ҳа, оила йили деб эълон қилинган ушбу йилда аёлларга ҳам катта масъулият юкланади. Чунки оиланинг мустаҳкамлиги албатта, аёлларга боғлиқ. Шунинг учун ҳам аёлларимиз ҳар бир қадамини ўйлаб босишлари, миллат келажаги учун масъул эканликларини унутмасликлари лозим. Аёл гўзаллик рамзи бўлиб келган. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолсин.

Суҳбатдош:
Меҳри БОЛЛИЕВА.

Қонун барчага баробар

БАЗАДАГИ ШАКАР ҚАНИ?

Мамлакатимиз Президенти томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида чиқарилган 8 хил кундалик истеъмол маҳсулотларининг турғун нархини белгилаш ва бу маҳсулотларни фақат давлатга қарашли дўконларда сотиш тўғрисидаги фармон аҳоли саломатлиги ва манфаатини кўзлайди. Бироқ, бу фармон ижросини таъминлаш ўрнига суньий тақчилликни келтириб чиқаришга урингувчи шахслар ҳам борлиги ачинарлидир. Баъзи дўконларда эса шакар ва ўсимлик ёғи тақчиллиги сезилиб қолди.

Бунинг сабаблари суриштирилганда, дўконлар учун ажратилган шакарларнинг қаёққадир «гум» бўлаётганлиги аниқланди. Худди шундай воқеага шаҳримиздаги «Чаканасавдобирлашма» базасини текшириш вақтида ҳам дуч келинди. Базани текширган Давлат солиқ қўмитасининг назорат тафтиш бош бошқармаси ходимлари кўпгина қонунбузилиш ҳолатларини аниқлашди. Оёғи қуйган товуқдай елиб-югураётган база мутасадди ходимлари охири тафтишчиларни «сотиб олишга» муваффақ бўлишди. Тафтиш ишларига раҳбарлик қилган Ринат Ҳаниев ҳамда шу гуруҳ аъзоси Марат Ғаппоров база мутасаддиларининг чўнтак қаппайтириш йўлидаги ғайриқонуний ишларини бости-бости қилиш билан бирга ўзларининг бу ишларда устаси фаранг эканлигини ҳам «кўрсатиб» қўйишди. Улар қонунбузарликларни фош этиш ўрнига базада мавжуд бўлган 30 тонна шакарни ғайриқонуний йўл билан сотиш «операция»синиг бевосита иштирокчиларига айланишди.

Нафс ёмон нарса экан, солиқчилар ўз вазифалари нимадан иборат эканлигини ва қинғир ишнинг қийиғи чиқишини ҳам унутишди. 30 тонна шакарнинг 10 тоннасини «Нурэфшан» чет эл фирмасига (Яккасарой туманида жойлашган) ўтказишда база ходимларига яқиндан ёрдам бериб, уларга йўл ўргатишди. Улар ноқонуний ишларини қонуний расмийлаштириш мақсадида фирма бош ҳисобчисига аслида йўқ бўлган, ўйлаб топилган Фарҳод Исроилов деган шахснинг номига икки томонлама шартнома тузиш кераклигини айтишади ва шартнома матнини тафтиш бошлиғининг ўзи айтиб туриб ёздиради. Шундай қилиб, «Нурэфшан» фирмасига келтирилган шакар «Отчопар» чакана бозоридан олиб келинди, деб расмийлаштирилади.

Шакарнинг нисбатан арзон нархда «ўз оёғи билан» келаётганлигидан хурсанд бўлган «Нурэфшан» фирмаси мутасаддилари «мевасини енгу, боғини суриштирманг» қабилида иш тутиб, шакарни қабул қилиб олавергандар.

Қолган 20 тонна шакар ҳам тезда «жойи»ни топди. «Отчопар» чакана бозорига олиб борилиб, бирпасда сотиб юборилди. Базадаги ана шу 30 тонна шакар «Сарбона» хусусий фирмасига сақлаш учун ўтказилди, деб расмийлаштириб қўйилди.

Ўз нафси йўлида хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, таъмагирлик билан 30 тонна шакарни жиғилдонига уриб, ширин хаёллар оғушида юрган солиқчилардан «Базадаги шакар қани?» деб сўралганда уларнинг пайтавасига қурт тушди. Маҳсулотларни ноқонуний йўллар билан «гум» қилиш учун ҳатто, тафтишчиларни ҳам сотиб оладиган «бойвачча» база мутасаддилари ҳам қонун олдида жавоб берадилар.

Таъмагирликда қолишмайдиган тафтишчиларнинг айби тергов жараёнида тўлиқ исботини топди. Товуқнинг қисматига катак ёзилганидек (товуққа қанча дон берсанг ҳам тўймайди ва ўз ихтиёри билан катакка кириб ётади), таъмагир шахсларнинг ҳам жиловланмаган нафси уларни суднинг қора курсисига етаклаб келади. Суд ҳукми билан Давлат солиқ қўмитаси назорат-тафтиш бош бошқармаси тафтишчилари Ринат Ҳаниев ва Марат Ғаппоровлар ЎзР ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми «в» банди, 209-моддаси 1-қисмига кўра, 7 йилдан озодликдан маҳрум этилди.

▲ Туман прокуратураси ходимлари жойларда қонунлар ижросини текширишдан аввал ўз ишларини пухта режалаштириб оладилар.

Николай ЛЯН,
туман прокуратурасининг
катта терговчиси.

Гиёвандлик - иллат

АСР ВАБОСИ

Биз XXI аср бўсағасида турибмиз. Асрлар бир-бири билан узвий боғланиб, ўзининг янги-янги кашфиётлари, ихтиролари, мўъжизалари билан жамиятни ривожлантириб келмоқда. Ўтган асрда яратилган техник кашфиётлар XX асрда янада такомиллашди. Инсоният коинотни забт этди. Фан оламининг сирли тилсимлари очилмоқда.

ЁКИ МЎМАЙ ДАРОМАД ИЛИНЖИДА

Аммо, жамият қанча ютуқларга, муваффақиятларга эришмасин, ҳаётда қарама-қаршиликлар пайдо бўлаверади. XX асрнинг қора доғларидан бири гиёвандликдир. Айниқса, ушбу жиноятчилик қўшни Тожикистон Республикасида янада авж олди.

Республикамиз Президенти И.Каримов ўзининг БМТ, ЁХХТ ва Европадаги бир қатор халқаро ташкилотларнинг минбарларидан туриб сўзлаган маърузаларида инсониятнинг насл-насабини бузувчи, жамиятни таназзул ботқоғига ботирувчи, умримиз қушандаси бўлган гиёвандликка қарши курашишни кучайтириб, уни бутунлай тағ-томири билан йўқотиб юбориш учун бутун жаҳон афкор оммасини шунга ундади ва бу масалани кечиктириб бўлмаслигини ҳамда тинчлик ва хотиржамлик бўлмаган юртда нохуш ҳодисаларнинг пайини қиркиш қийин кечишини таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам XX асрнинг энг катта муаммоларидан бири гиёвандлик туфайли инсоният жафо чекмоқда. Шунинг учун ҳам кейинги вақтларда дунё бўйича гиёвандликка қарши курашиш янада авж олди. Бу борада бизнинг республикамизда ҳам тегишли идоралар орқали тезкор тадбирлар ўтказилиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Транспорт Ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан бу соҳада яхши натижалар қўлга киритилмоқда. Ўтган йилнинг 25 сентябрида Сариосиё бекатида Душанбе-Москва йўналишидаги поезднинг 4-вагонини синчиклаб текширган ходимларимиз унинг шифтидан 100 килограмм 660 грамм «опий», 24 килограмм 739 грамм «гашиш», 3 килограмм миқдорида ўта таъсирчан «героин» каби гиёвандлик моддаларини топиб, мусодара қилдилар ва жиноятчиларни қўлга олдилар.

1998 йилда ҳам қўшни республикалардан юртимиз орқали бошқа давлатларга контрабанда йўли билан гиёванд моддаларни олиб ўтиш ҳамон камаймаяпти. Айниқса, бу ҳолатларнинг аёллар ўртасида учраётганлиги янада ташвишлидир. Улар баъзида якка ўзлари ёки гуруҳ-гуруҳ бўлиб, ўзга юртларга ўз «маҳсулотларини» ўтказиб, катта хазинага эга бўлишни ният қилиб йўлга чиқадилар. Қуйидаги мисоллар фикримизни тасдиқлайди.

12 январь куни 79-сонли Денов-Тошкент йўналишидаги йўловчилар поездини Шўрчи-Термиз бекатлари оралиғида текшириб юрган Термиздаги тармоқ Ички ишлар бўлимининг ходимлари 12- вагонда кетаётган туркманистонлик, 1964 йилда туғилган Сапардурди Чориевни шубҳа билан текшириб кўришганда, унинг ёнидан салафан қоғозларга ўралган 150 грамм миқдоридаги «опий», 1 килограмм миқдоридаги «гашиш» гиёванд моддалари топилди.

20 январь куни эса Самарқанд-Жомбой бекатлари оралиғида 298-сонли Андижон-Самара йўналишидаги йўловчилар поездини кузатиб юрган Самарқанддаги тармоқ Ички ишлар бўлими ходимларининг ҳушёрлиги туфайли Хўжанд шаҳри, Бешопа кўчасида яшовчи, муқаддам Тожикистон Республикаси Жиноят кодексининг 155-моддасида кўзда тутилган жиноятларни содир этганлиги учун судланган, 30 ёшлар атрофидаги Ҳамидов Нўмонжоннинг ёнидан 50 грамм миқдорида «героин» топилди. У ҳам мўмай даромад қиламан, деб «каромат» кўрсатди.

Унинг ҳамшаҳри ва тенгдоши Елена Мирзаева ҳам 21 январь куни худди шу поезднинг 1-вагонига чиқишга аранг улгурди-ю, бир амалдаб Бухоро шоҳбекатигача борди. Унинг кўзлари пирпираб, нимадандир безовталанганлигини сезган шоҳбекатдаги ходимларимиз унинг хатти-ҳаракатларини зимдан кузатишди. Текширишдан сўнг унинг ёнидан яширилган 5 килограмм миқдоридаги «опий» моддаси олинди. Дастлабки суриштирув натижасида унга бу моддаларни олиб кетишда Хўжанд шаҳрида яшовчи дугонаси Дилбар Грохотова ёрдам берганлиги аниқланиб, тезкор ходимлар томонидан у ҳам ушлаб келинди. Шундай қилиб, икки дугона яна дийдор учрашишди.

Ленинобод вилоятининг Мангус туманида яшовчи Алмира Муҳаматходиева 45 ёшга кирибдики, ҳали эсини танимаган кўринади, чунки у ҳам Елена ва Дилбарларга ўхшаб, 21 январь куни татаристонлик Визир Муҳаматходиев билан 7-вагонда аполчапоқ бўлиб кетишаётганда Самарқанд шоҳбекати тармоқ ИИБ ходимлари уларни «чув» туширишди. Гиёванд моддаларни қидирувчи «Альфа» лақабли ит эр-хотин тижоратчиларни «хижолат» қилди. Улар ёнига яширилган 197 грамм миқдоридаги «опий»ни ўз қўллари билан милиционерларга топширдилар.

Термиз шоҳбекатидаги тармоқ Ички ишлар бўлимининг ходимлари ҳам ҳушёрлик билан хизматни давом эттирмоқдалар. 20 январь куни навбатдаги Душанбе-Москва йўналишидаги йўловчилар поездини Сариосиё бекатида назоратдан ўтказишаётиб, 2-вагоннинг 45-жойидаги кўрпача ичига яширилган, салафан халтачага ўралган эгасиз 1 килограмм миқдоридаги «гашиш» гиёвандлик моддасини топдилар. Ходимларнинг зийраклиги яна иш берди. Олиб борилган тадбирлар натижасида унинг эгаси тожикистонлик Жўрақул Муродов аниқланиб, ушланди.

Бу жиноятлар фақат поездларда содир бўлади, десак хато қилган бўламиз. Шу йилнинг 20 январь куни Тошкент аэропортининг кутиш залида ўз хизмат бурчини ўтаб юрган милиционеримиз Нижний Новгород шаҳридаги «Егоров» хусусий корхонасида ишловчи, шу шаҳарда яшовчи Игорь Куликовнинг бежо ўтирганлигини кўриб, шубҳа билан уни текшириб кўрганда, ёнида салафанга ўралган 0,19 грамм миқдоридаги «героин» борлигини аниқлади ва мусодара этди.

Барча жиноий ҳолатлар бўйича жиноят ишлари қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, аср вабоси бўлган гиёванд моддаларни сотиш билан жиддий шуғулланаётган нопок кимсалар Тожикистондаги нотинч вазиятдан фойдаланиб, Афғонистон орқали келаётган ва ўзлари етиштираётган «қора дори»ларни бизнинг ҳудудларимиз орқали олиб ўтиб кетишга уринмоқдалар. Чунки, Ўзбекистон темир йўллари Тожикистонни Қозоғистон, Туркманистон, Россия билан боғловчи асосий йўл ҳисобланади. Бу эса ҳар бир ички ишлар ходимидан сергакликни талаб этади. Зеро, юртимиз келажаги, дунё ҳамжамиятида тутган ўрни, обрў-эътиборини сақлаш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Ҳакимжон ЮНУСОВ,
милиция капитани,
Транспорт ИИБ ходими.

УХЛАДИМИ ЭНДИ БАРИБИР УНГА

(Бошланиши 5-бетда).

бориб қўйишни сўрашди. Ҳайдовчи рози бўлгач, келишувга мувофиқ Низомиддин билан Абдужалил орқа ўриндиққа, машина ҳайдашни биладиган Бахтиёр эса шофёрнинг ёнига ўтирди.

Автомашина Зангиота тумани Хонобод кўрғони, Ёқубов кўчасига етиб келганида, Низомиддин машинани тўхтатишни сўради. Қолгани кўз очиб юмгунча юз берди. Низомиддин шофёрни олдиндан тайёрлаб қўйилган камари билан бўға бошлади. Абдужалил унинг қўлларини ушлаб орқа ўриндиққа тортди. Бахтиёр рулга ўтириб олди. Шофёр «ухлаган»дан кейин унинг чўнтакларини титкилаб 1200 сўм пули, ҳужжатларини олишди.

Исм - шарифи Б.Отабоев экан. Абдужалил билан Низомиддин «ухлаб ётган» шофёрни судраб дала четига ташлаб юбордилар. Машинага қайтиб, ўтиришгач, Низомиддин пулни тақсимларкан, кулди:

- Биз мана шунақа - гурмайдиган қилиб ухлатамиз.

Бахтиёр чаққонлик билан машинани жилдирди. Аммо... у фақат ҳайдашни билар, йўл ҳаракати қоидаларидан мутлақо бехабар эди...

Ўша кеча Сирғали-4 массивини назорат қилиш ички ишлар бўлими ходимлари А.Ҳасанов, Ш.Матюсупов, Б.Идоятовларга топширилган эди. Навбатчилик яхши ўтаётган эди. Атроф жим, осуда. Бир пайт уларнинг диққатини чироқлари ўчган ҳолда келаётган ГАЗ-21 машинаси тортди. Машинани дарҳол тўхтатишди.

Шофёр ўзини Б.Алибоев деб таништириб, машина ўзиники эмаслигини, ҳужжатлари йўқлигини айтди. Шу пайт машинадан яна битта йигит тушиб, машина унинг тоғасига тегишли эканини, зарур ишлари чиқиб қолгач, бир кунга сўраб олишганини айтди. Йигитларнинг жавоблари навбатчиларнинг шубҳаларини янада оширди. Улар уч йигит ва машинани Сирғали туман ИИБсига олиб боришга қарор қилишди.

Абдужалил навбатчиларнинг машинасига ўтказилди. Унинг ёнига Ҳасанов билан Идоятов ўтирди. ГАЗ-21ни Бахтиёр бошқарди. Бу машинада Низомиддин билан старшина Матюнусов бор эди.

Бахтиёрни ваҳима боса бошлади. Қандай бўлмасин, қочиб қутилиш керак. Ва... чорасини топгандай бўлди. Машинани симёғочга урди. Низомиддин шуни кутиб ўтиргандай шартта тушиб қочди. Бахтиёр ҳам қоча бошлади. Милиция ходимлари унга етиб олишди...

Зангиота туман прокуратураси Абдужалил Ғафуров, Бахтиёр Алибоев, Низомиддин Ҳайдаровларнинг жиноий ишларини атрофлича ўрганиб чиқди. Тошкент вилоят суди жиноятчиларни олий жазога маҳкум қилди.

Мана, воқеа тафсилотлари билан танишиб чиқдингиз.

Прокуратура ва ички ишлар бўлими ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида жиноят ўз вақтида фош этилди, содир этилажак жиноятларнинг олди олинди.

Жиноятга жазо муқаррарлиги яна ўз тасдиғини топди.

А.СОБИРОВ,
прокуратура ходими,
Б.УЛЛИБОБОЕВ.

Ёлғоннинг умри қисқа

БОЖХОНА... ВАЖХОНА ЭМАС

Мирзачўл туманидаги Султон Сегизбоев номли ширкатлар бирлашмаси ҳудудида яшовчи Тоғош Жангилов Жиззах шаҳар судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, вилоят божхоналар бошқармаси томонидан битта 5 ёшли, битта 3 ёшли биясининг давлат фойдасига мусодара қилинганлиги ва ўзига 600 сўм жарима солинганидан норози эканлигини баён қилди.

У ўз аризасида серфарзандлигини, ўғлини уйлантириш мақсадида йилкиларини сотмоқчи бўлганлигини, шунинг учун ўғлини «Оқ олтин» туманидаги мол бозорига йўллаганини важ қилиб келтиради. Бироқ, отларни шарқ томондаги қўшни туманга олиб жўнаган ўғли Ибодулла Жангилов қай тарзда бутунлай тескари томондаги Қозоғистон Республикаси ҳудуди яқинидаги темир йўл кўпригида божхона ходимларига рўбарў келганини тушунтириб беролмади.

Божхона ходимлари эса Т. Жангиловнинг ўғли бошқарма назоратидан ўтмасдан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 18 июндаги 219-рақамли қарорига зид равишда отларни қўшни мамлакат ҳудудига ўтказишга уриниб, ғайриқонуний иш тутганлигини асослаб беришгач, даъвогар тақдирга тан берди.

Тожикистон фуқароси, Панжакент тумани Шошкат қишлоғида яшовчи Раҳматулла Аминовнинг келтирган баҳона-ю, важлари эса ундан ҳам ғаройиб.

Аслида Булунғур туманида туғилиб ўсган Р.Аминовнинг эътироф этишича, 1997 йил 5 апрель куни битта қорамол ва битта эшак сотиб олиш учун пулини белига тугиб, «Қайдасан, Оқтепа?» дея пиёда йўлга тушган. 6 апрел куни мўлжаллаган манзилига етиб келган. Афсуски, молбозори Оқтепада, фақат шанба кунлари бўлар экан. Якшанбада эса ҳувиллаб ётарди. Омадни қарангки, Р.Аминов тонг қоронғусида, бўм-бўш бозор майдонига тикилиб, ҳайрон бўлиб турганида «ЗИЛ» русумли машина келиб қолади. Машинага айнан битта эшак, бир сигир ортилган бўлиб, сотувчилар ҳам бозор бўлмаслигини билишмас экан. «Икки ёрти бир бутун» деганларидек, икки адашган кимса 20 минг сўм эвазига бир-бирининг ҳожатини чиқариб, бири пуллик, бири моллик бўлиб ажралишипти.

Р.Аминов тўғри йўл қолиб, сал эгрироқ, айланма йўлдан ватанига жўнайди. Бахмал туманининг «Гулбулоқ» хўжалиги ҳудудидаги канал ёқасида молларини ўтлатиб, ўзи ҳам тунайди. «Узунбулоқ» хўжалиги ҳудудидан ўтаётганда эса Жиззах вилояти божхона назорати ходимлари томонидан тўхтатилади. Суриштиришса, ҳеч қанақа ҳужжат йўқ. Уни моллари билан Булунғур туман Ички ишлар бўлимига олиб келишади.

Раҳмонқул божхона қонун қоидаларидан бехабарлигини рўкач қилса, енгилроқ жазо билан қутулиб кетиши мумкин эди.

Бироқ, шу тумандаги Дўстлик ижара ширкатида яшовчи Улуғмурод Пармонов ва Мавжуда Худоёроваларнинг аризаси унинг сирларини ошкор қилиб қўйди. Р.Аминов Оқтепада савдолашаётганда ҳам, канал ёқалаб ўтлатиб йўлга тушганда ҳам, моллар унинг олдида эмас, ўз эгаларининг ҳовлисида турган, 6 апрел куни эмас, айнан 7 апрел куни тонгга яқин йўқолипти.

Божхона ходимларининг ҳушёрлиги билан ушланган моллар тунда ўғирланган молларнинг ўзгинаси бўлиб, халқ суди Р.Аминовнинг важлари пучлигини кўрсатиб, уни қонуний жазога ҳукм қилди. Ғаллаорол туманидаги «Гулчанбар» бозоридан 280 минг сўмга 7 та от сотиб олиб, Еттисой томонга йўл олган Сакен Сапаев, Ербол Жарқабоевлар, Фориш туманининг Амангелди хўжалиги ҳудудидан 3 бош қорамолни ўғирлаб кетаётган Қозоғистон фуқароси Жумағали Абилдаев, Ўзбекистон фуқароси Оспан Нуртаевлар ҳам қўлга тушганларидан сўнг не-не баҳоналар тўқиб, божхона ходимларининг бошини айлантиришга уриндилар.

Бироқ, божхона важхона эмас, балки қонуний ҳужжатларни тан оладиган даргоҳ эканлигини кеч тушунишди.

Болтабой ТУРДИЕВ,
Жиззах вилояти божхона хизмати бўлими бошлиғи.
Бахтиёр РИЗАЕВ.

Наср

Ислом УСМОНОВ

МЕНИ КЕЧИРИНГ...

(Прокурор ҳаётидан воқеи ҳикоя)

- Кирсам майлими?

Устига йирик ҳарфлар билан «Жиноий иш» деб ёзиб қўйилган қалин ҳужжатлар тахламидан бошини кўтарган прокурорнинг нигоҳи эшик олдида турган ўрта ёшдаги аёлда бир зум қотиб қолди. Иш куни охирида қириб келган жувонга кўзойнаги устидан боқиб, унинг мақсадини англай олмай хаёллари бўлинди.

- Марҳамат, - дея кўзойнагини стол устига қўяркан, олдидаги ҳужжатлару далилларни ғаладонга жойлади.

Аёл истар-истамас прокурор олдидаги ўриндиққа чўкди. Ҳонадаги ўта расмий ҳолат унга фикрларини жамлашга ҳалал берарди. Тинглашдан бошқа иложи қолмаган Эркин Баротович аёлга юзланди:

- Қулоғим сизда...

- Нодира Юсуповаман, кимё заводида ишлайман. Ердам беринг, бошқа чидай олмайман, - деганча у тиззаси устидаги бежирим сумкасини ковлаб, ҳашамли оқ рўмолчасини олди-да, ёшли киприкларига босди.

- Ўзингизни босинг, ўзингизни босинг, - дея прокурор уни тинчлантиришга ҳаракат қилди. Ердам сўраганларнинг кўпини кўргани боис аёлнинг ўзига келишига имкон яратди. Ўрнидан туриб, дераза ёнида турган столдаги графиндан сув қуйиб узатди.

- Олинг, бироз ичсангиз, ҳаммаси ўтиб кетади, сўнг бемалол гаплашамиз.

Самимий муомаладан ўзини ўнглаб олган шикоятчи прокурорнинг илтифоти билан муздек сувдан ҳуплади.

- Энди гапираверинг...

- Мени тинч қўйишмаяпти, - дея сўз бошлади Юсупова прокурорнинг синовчан кўзларига боқаркан. - Ҳар куни янги гап чиқади. Кеча бузуқи бўлсам, бугун туҳматчи. Эртага билмадим кимга айланаман. Ҳар куни уйимиздаги почта қутисига нигоҳ ташлашдан юрагим безиллайди. Менга ёзилган хатларда энг ёмон сўзлар битилгани алам қилади. Уларнинг ҳаммаси бўҳтон. Хатни ёзган одам мени кўра олмаслиги шундай билиниб турибди. Илтимос, уни топиб, жазосини берсангиз.

- Айтинг-чи, бундай имзосиз хатларни анчадан бери оласизми?

- Унча кўп бўлгани йўқ. Аммо ҳар бир мактуб қалбимга найза бўлиб санчилаётир. Кун сайин бошимга ёғилаётган бўҳтонлар тобора даҳшатли тус олмоқда.

- Бундай мактублар олаётганингиздан яна кимлар хабардор деб ўйлайсиз?

- Биласизми, бу ҳақда бировга оғиз очишга ҳам юрагим дов бермайди.

- Тушунарли. Кейинги кунларда олинган хатлар ўзингиздами?

- Ҳа, мана улар...

Юсупова хатжилдларга жойланган мактубларни бир нечтасини стол устига ташлади. Негадир, уларнинг устидан босиб ҳам қўйди. Аёлнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб турган прокурорнинг назаридан бу ҳолат четда қолмади. Эркин Баротович уларнинг бирини очди. Ҳуқуқшунос нигоҳлари хатнинг илк сатрлариданоқ бошланган ҳақоратли жумлаларга тушиши билан кўзойнаги устидан аёлга яна бир қараб қўйди. У эса:

- Ўқийверинг, булар ҳали қалва, - деганча нигоҳларини олиб қочди.

Прокурор мактубларни ўқишга тушди. Унинг кўп йиллик иш тажрибасида қанчадан-қанча бир-биридан жумбоқли жиноий ишлар ўтмади, дейсиз? Ҳар бири билан танишар экан, аввало унинг ортида инсон, гоҳида инсонлар тақдири турганлигини унутмасди. Шу боис терговда тўпланган ҳар бир далилга, гувоҳларнинг сўзларига, қолаверса, айбланувчининг ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган эътирозларига ўта синчковлик билан аҳамият берарди. Айниқса, хулосага эътиборни кучайтирди. Терговчилар бир томонга ён босиб, бошқа тарафни унутиб қўймадими, деган хавф безовта қиларди уни. Шу боис Эркин Баротович қўл қўйган ва судга ошириган ишларнинг қайтиши шаҳар бўйича бор-йўғи ярим фоизни ташкил этади. Қўшни шаҳарлардаги ҳал бўлмаётган жиноий ишлар ҳам кўпинча унинг назоратига юборилади. Тажрибали прокурорнинг ҳаққоний иш тутишига кўп бор тан беришган.

Тўғри, ҳар кимнинг ўз дунёқараши, ўз ташвиши бор. Унинг аниқ нуқтасини топиш, шунга қараб иш тутиш осонликча амалга ошавермайди, албатта. Прокурор ҳар гал шикоятчи кўзлаган мақсаднинг моҳиятини англашга ҳаракат қилади. Кейинги пайтда негадир имзосиз хатлар кўпайиб қолди. Ёзув охирига «Яхшилик истовчи» деб қўйилиши айниқса сергак тортирарди. Ҳақиқатдан ҳам у «Яхшилик истовчи»миқан? Ҳалол ва покиза бир инсоннинг исми булғанмаяптимикин, деган ўй кўнгланг бўларди. Бахтга қарши айрим номаълум муаллифларнинг мактубларида қайд қилинган далиллар тўғри чиқиб, бу борада жиноий ишлар қўзғатилган. Прокурорнинг ёнида кўзларини мўлтиратиб ўтирган аёл келтирган мактубларда ҳам қуракда турмайдиган сўзлар қалаштириб ташланибди. У бузуқиликда, бошқаларни кўролмасликда, оилавий нопокликда айбланганди. Эркин Баратовичнинг хаёлига келган фикр шу бўлдики, хатларни ким ёзган бўлса ҳам, уларнинг кимга аталганини жуда яхши билади. Еки уни пухта ўрганган. Шу боис Юсуповонинг ҳар бир босган қадами унинг назарида. Бамисоли соя каби эргашиб, кир қидиришга устаси фаранг кўринади. Прокурор сўнгги мактубни ўқигач, кўзойнагини олиб, бир зум ўйга толди. Нодирага бериладиган навбатдаги саволни миясида айлантира бошлади.

- Айтингчи, сизнингча, бундай хатларни ким ёзиши мумкин?- прокурор унга тик боқди. Шу он унинг назарида аёлнинг тиниқ юзи бироз оқаринқирагандек бўлди. У қалбида юз бераётган ғалаёнларни ташқарига чиқаришга шошилмасди. Бироз ўйга толгач, оҳиста деди:

- Балки, ишонмассиз...

- Нега?

- Ён қўшнимдан хавфим бор.

- Нима, ораларингизда бирон гап ўтганми?

- Асло ундай эмас, аксинча, ёшликдан дугонамиз. Бир-биримизникига кириб-чиқиб турамиз, қолаверса бирга ишлаймиз...

- Шунақа денг, - прокурор жумбоқнинг сирли илдизини илғаб олишга ҳаракат қиларди. - Демак, кимлиги аниқ...

- Ҳа, аммо, - деганча Юсупова бироз тутилиб қолди, - афсуски, исботлай олмайман, чунки...

- Хўш...

- Бунга қодир эмасман. Барибир аминманки, у мени кўролмаслиги боис ярамас хатлар битади. Унинг қўлидан ҳар бало келади.

- Яхши, биз буни текшириб кўрамиз, - шундай деганча прокурор столи ғаладонидан бир варақ оқ қоғоз олиб, аёлга тутқазди, - менинг номимга сизга юборилаётган хатлар кимга тегишли эканлигини аниқлаб беришни сўраб, ариза ёзинг-да, бу ёғини бизга қўйиб беринг.

Юсупова қоғозни олдига қўяр экан, негадир бироз иккиланиб қолди. Аммо прокурорнинг кузатувчан нигоҳидан қочиб, бирор нарсани ортиқча ёзиб қўйишдан чўчигандек жумларларни ўйлаб битарди.

Ўз фикрини баён қилиб бўлгач, уни яна бир бор кўздан кечириб, бир-икки тузатиш киритдида, прокурорнинг олдига суриб қўйди. Эркин Баротович оқ қоғоздаги бор-йўғи бир неча жумладан иборат аризага кўз югуртириб олгач, аёлга юзланди:

- Энди сиз бемалол ишингизни қилаверинг ва агарда шу мазмундаги хатлар олсангиз, бизга келтириб беринг.

Шикоятчи чиқиб кетгач, прокурор чукур ўйга толди. «Балки бу билан олинаётган имзосиз хатларга чек қўйилар», деган фикрга ҳам борди. Аризанинг устига «Илмий текшириш институтига юборилсин ва натижаси маълум қилинсин», деган ёзувни битди.

***

Инсон дастхатини ўрганиш экспертлар учун мураккаб жараён. Шу ҳақиқат беш панжадек маълумки, одамзод асосан мактабда ёзиш ва ўқишни ўрганади. Ўта қобилиятли болалар эса мактаб кўрмасданоқ ёзишга ихлос қўйиши мумкин. Бундай истеъдодлар эса кам учрайди. Ҳар бир шахснинг хати йиллар ўтган сайин ўзгариб ва такомиллашиб боради. Кимнингдир ёзуви хуснихат бўла борса, бошқасиники, аксинча, хунуклашади. Айниқса, кўп ёзишларига тўғри келадиган шифокорлар ва ёзувчилар хати дастлабки кўринишги йўқотиб, анча ўзгаради, ҳатто сўзлар охиригача битилмай қолиб кетади. Ўқитувчилар ёзуви эса ўз чиройини йиллар давомида сақлаб қолиши мумкин.

Прокурор томонидан институтга юборилган хатнинг кимга тааллуқли эканлигини аниқлашни текширишга киришар экан, ёш эксперт Анвар Каримов бу топшириқ ўзи учун синов эканлигини яхши биларди. Ўзига ишонилган шу биринчи мустақил ишни қанчалик пухта бажарса, кейинги фаолиятининг тақдири шунча ойдинлашади. Анвар муаллифи номаълум, аммо кимга ёзилгани аниқ бўлган хатларни қўлга олар экан, ҳушёрлиги ошди. Унинг илтимоси билан Юсупова шубҳа қилган шахснинг иш жойидаги варақасидан таржимаи ҳоли, ишга қабул қилишни сўраб ва турли йилларда таътилга чиқиш ҳамда ундан қайтиш хусусида ёзган аризалари ва билдиришномалари, хуллас, унинг кўли билан битилган ҳар хил ёзув тўпланди. Шундан кейин эксперт ишга киришди.

Дастхат эгасини аниқлаш борасида ўзига хос тизим мавжудки, уни ўрганиш ва қўлланишда экспертлар турли йўлларни танлашади. Унинг бахтига, иш осон кўчадигандек кўринди. Юсупова қолдирган хатлар ва у шубҳа қилаётган шахснинг ёзувлари бир-бирига ўхшаб турарди. Ҳатто шу асосда ҳам бир фикрга келиш мумкин. Аммо эксперт сўнгги қарорга келишдан олдин далилларни яна бир бор кечириб чиқиши даркор. Зотан, ҳаммаси бир қараганда тўғридек кўринаверади. Имзосиз мактублардаги «а», «о», «г», «п» ҳарфлари аризачи шубҳа билан қараётган шахснинг ёзувига айнан мос тушарди. Шундай бўлишига қарамай, Каримов хулоса чиқаришга шошилмасди. Мураккаб томони шундаки, дастхатларда бир-бирига ўхшаш шакллар ҳам учраб туради.

Қайта-қайта текширишлар натижасида эксперт хатни Юсуповаларнинг кўшниси ёзганини аниқлади. Прокурор сўровига жавоб ёзишдан олдин ҳамкасблари билан маслаҳатлашди. Анварнинг илк ишига қизиқиш билан қараётганлар унинг ҳаракатларини ижобий баҳолашиб, бемалол жавоб ёзиб бериш мумкинлигини айтишди.

Бундан кўнгли тўлган ёш эксперт хулосаларнинг ҳаммасини яна бир бор кўздан кечириб чиқишга ахд қилди. Шу мақсадда имзосиз хатлар билан шикоятни ёнма-ён қўйиб, уларга узоқ тикилганича, чуқур ўйга толди. Аллақимдир бир одамни ноҳақ қоралаяпти. У эса бунга лойиқ эмас. Туҳматга қолган шахснинг ҳамма қатори тинч яшашга ҳақи бор. Аммо кимдир қитмирлик қилиб бунга қўймаяпти, аёл қалбига ниш ураяпти.

Каримов аризани яна бир бор ўқишга тутинди. Аллақачон ёд бўлиб кетган сатрларга кўз югуртирар экан, унинг юрак уриши ўз-ўзидан тезлашиб кетгандек бўлди. Шу дамда хаёлига келган ногоҳоний фикрдан ўзи ҳам чўчиб кетди. Агар аризани ўқимай, хулосани ёзиб юборганда борми.

Эксперт энди мактублар битишга гумон қилинаётган шахснинг хатларини эмас, балки шикоятчининг ёзувини солиштиришга тушганди. Балки кимдир ишнинг бутунлай тескари бурилиб кетганлигидан ажабланар. Аммо эксперлар фаолиятида бундай ҳоллар тез-тез учраб туради.

Каримов қўлига ҳарфларни бир неча баравар катталаштирадиган ойна олиб, аризани ва имзосиз хатларни имло белгиларини қайта-қайта солиштираркан, илгари бажарган ишига шубҳаси кучайиб бораётганлигини сезди.

(Давоми кейинги сонда).



▲ Кумуш қиш манзараси.

Р.ШАРИПОВ лавҳаси.

Бир чимдим кулгу

«ХИРАПАШША» РЕПОРТЁР

Спайк Уоррен шаҳарда энг уришқоқ киши сифатида донг таратган эди. Спайк айниқса, «Дейл Бласт» газетасини ўлгудай ёмон кўради. Буни яхши билган муҳаррир Спайкдан репортаж ундиришни топшириб, ишга янги келган думбул репортёрни унинг ҳузурига йўллади. Газетанинг барча ходимлари нафасларини ичларига ютиб, бунинг охири нима билан тугашини кута бошлашди.

Ниҳоят, янги репортёр муҳаррирга сим қоқди:

- Уоррен, ўзимни таништиришим билан, бурнимга мушт солди ва ортимга бир тепиб, зинапоядан улоқтириб юборди, - деди у йиғлагудек бўлиб.

- Жин урсин сени, дарҳол унинг олдига чиқ! - ғазаб билан бўкирди муҳаррир.

Чорак соат вақт ўтиб, репортёр яна сим қоқди, бу сафар унинг овози зўрга чиқди:

- Бу гал Уоррен учта тишимни уриб синдирди, башарамни моталоқ қилди, яна зинапоядан пастга улоқтириб юборди.

- Ҳали шунақами?! қичқирди муҳаррир. « Хўп, яхши, интервью бермагунча бўш келма! Бу итвачча мени кўркита олмаслигини тушунмагунча этагини қўйиб юборма.

***

Обсерваторияда мунажжим улкан телескопда осмонни кузатяпти. У само жисмидан кўз узмай ёрдамчисига деди:

- Уф, ёмғир ёғадиганга ўхшайди.

Ёрдамчи дарҳол қалам олиб кузатувлар дафтарини очди ва сўради:

- Нега бундай қарорга келдингиз?

- Белим зирқираб, бўғинларим қақшаб кетаяпти.

***

- Сэр, сизга манови адвокатни жон-жон деб тавсия қиламан.

- Сиз у мени оқлай олади, деб ўйлайсизми?

- Оқлаганда қандоқ! Яқинда мени бир кўппак қопиб олганди. Ит эгасининг устидан даъво аризаси ёздим. Ит эгасини мана шу адвокат ҳимоя қилди. Ишонасизми, у кўппак мени эмас, мен кўппакни қопиб олганимни исботлаб берди.

***

Овлоқ жойда бир йигит икки йўлтўсарга дуч келди.

- Қани жаноб, курткани еч-чи!

- Э, йигитлар, унинг астари йўқ, йиртиқ-ку.

- Қани, тепакал, текшириб кўр!

- Худди айтгандай, астарсиз экан.

- Бўлмаса, ботинкангни еч!

- Унинг тагчарми йўқ.

- Тепакал, текшириб боқ!

- Чиндан ҳам тагчармсиз экан.

- Э, ғайни кимсан ўзи?

- Бекорчиман.

- Шунақами, тепакал, унга беш сўм бер!